

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН АУДИТОРЛАР ПАЛАТАСИ

АМАЛИЙ АУДИТ

Амалий машғулот учун услубий қўлланма

ТОШКЕНТ- 2009

Амалий аудит (Амалий машғулот учун услубий қўлланма),
Р.М.Хайдаров, Ш.Н.Файзиев, -Т.: ТМИ, 2009. 70 бет.

Ушбу қўлланма ОТМларида тайёрланадиган бакалавриятнинг иктисодиёт йўналишларида ва магистратуранинг “Бухгалтерия хисоби”, Аудит” мутахасисликларида “Аудит” фаниларидан амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланишга мўлжалланган. Қўлланмага мунозара учун саволлар ва атамалар тўпламлари киритилган, ҳамда ўзлаштиришни синаб кўриш мақсадида ҳар бир мавзуга бир қатор тестлар тўпламлари берилган. Тўпламга киритилган ҳўжалик субъектларида содир бўладиган вазиятлар талабаларнинг аудитни ташкил этишдаги назарий билимларини амалий жиҳатдан мустахкамлашга ёрдам беради.

Қўлланмани яратишда амалий ёрдам берган “Импульс Аудит” МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилотига миннаддорчилик билдирамиз.

Мазкур масалалар тўплами «Аудит» кафедрасида профессор-ўқитувчиларининг йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2009 йил 29 январ, 12 -сонли баённома).

Кафедра мудири:

доц. Ш.Файзиев

Мазкур масалалар тўплами Тошкент молия институт имий-услубий Кенгашида муҳокама этилган ҳамда нашрга тавсия қилинган (2009 йил , -сонли баённома).

Кенгаш раиси:

Ш.Шаякубов

Такризчилар:

и.ф.н., доц. О.Машарипов,
и.ф.н., доц А.Авлоқулов

ТМИ, 2009

МУНДАРИЖА

1 – Мавзу	Аудитнинг моҳияти ва вазифалари	3
	◦ тест саволлари	3
	◦ вазиятли масалалар	6
2 - Мавзу	Аудиторлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасида ташкил этилиши ва ҳуқуқий мувофиқлаштирилиши	8
	◦ тест саволлари	8
	◦ вазиятли масалалар	13
3 – Мавзу	Аудиторнинг касб этикаси	15
	◦ тест саволлари	15
	◦ вазиятли масалалар	15
4 – Мавзу	Аудиторлик текширувини тайёрлашни ташкил этиш	19
	◦ тест саволлари	19
	◦ вазиятли масалалар	20
5 – Мавзу	Аудиторлик фаолияти давомида муҳимлилик ва таваккалчиликни баҳолаш	23
	◦ тест саволлари	23
	◦ вазиятли масалалар	26
6 – Мавзу	Ички назоратни ташкил этиш тизими ва уни баҳолаш услублари	38
	◦ тест саволлари	38
7 – Мавзу	Аудиторлик текширувини ташкил этиш ва аудиторлик тадбирлари	40
	◦ тест саволлари	40
	◦ вазиятли масалалар	42
8 – Мавзу	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш	45
	◦ тест саволлари	45

ЖАВОБЛАР ВА ЕЧИМЛАР 47

1 – Мавзу	Аудитнинг моҳияти ва вазифалари	47
2 - Мавзу	Аудиторлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасида ташкил этилиши ва ҳуқуқий мувофиқлаштирилиши	48
3 – Мавзу	Аудиторнинг касб этикаси	51
4 – Мавзу	Аудиторлик текширувини тайёрлашни ташкил этиш	53
5 – Мавзу	Аудиторлик фаолияти давомида муҳимлилик ва таваккалчиликни баҳолаш	54
6 – Мавзу	Ички назоратни ташкил этиш тизими ва уни баҳолаш услублари	62
7 – Мавзу	Аудиторлик текширувини ташкил этиш ва аудиторлик тадбирлари	62
8 – Мавзу	Аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш	64

ИЛОВАЛАР

1 – Илова	Аудитни ўтказиш учун розилик тўғрисидаги мажбурият хати	64
2 – Илова	Аудиторлик хизматларини кўрсатиш тўғрисида шартнома	67
3 – Илова	Аудитнинг умумий режаси	69

1 - МАВЗУ: АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1.1. “Аудитор” атамаси ўзбек тилида қандай маънони билдиради?

- а) тафтиш ўтказмоқ;
- б) тасдиқламоқ;
- в) эшитиб кўрмоқ, тингламоқ;
- г) маслаҳат бермоқ.

1.2. Аудит биринчи бўлиб қайси мамлакатда пайдо бўлган:

- а) Италия;
- б) Испания;
- в) Англия;
- г) Германия.

1.3. Аудитнинг моҳияти нимадан иборат?

- а) бухгалтерлик ҳисоби юритилиши ва ҳисобот тузилиши тўғри бажарилганини текшириш;
- б) корхона сармоядорларига маслаҳат бериш;
- в) давлат назорат органлари томонидан текшириш ўтказиш;
- г) солиққа тортиш масаласида маслаҳат бериш.

1.4. Аудиторнинг асосий вазифаси нимадан иборат?

- а) солиқ инспекциясига маълумотлар тақдим этиш;
- б) бухгалтерлик ҳисоботи тўғри тузилганини текшириш ва унинг ишончли экани тўғрисида фикр билдириш;
- в) корхона бухгалтерига солиқ ҳисоботларини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш;
- г) хатоларни аниқлаш ва уларни тузатиш йўллари кўрсатиш.

1.5. Аудитга эҳтиёж нималарга кўра юзага келади?

- а) бошқарув органи учун керакли ахборотларни олиш зарурати;
- б) солиқ ҳисоботини тасдиқлаш сабабли;
- в) бухгалтерлик (молиявий) ҳисобот ишончли эканини тасдиқлаш;
- г) корхона раҳбариятининг бошқарув мақсадида аниқ маълумот олиши учун.

1.6. Аудиторлик текширувининг асосий мақсади нимадан иборат?

- а) корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш;
- б) бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва солиққа тортиш ишларида йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш;
- в) аудит қилинаётган юридик шахсларнинг молиявий (бухгалтерлик) ҳисоботи ишончга лойиқ ва бухгалтерлик ҳисоби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисида фикр билдириш.

1.7. Аудиторлик касби бошқа касблардан қандай мезонлар билан фарқ қилади?

- а) мустақиллик;
- б) ҳаққонийлик ва адолатлилик;
- в) техник ва ахборот технологияларини эгаллаганлик;
- г) қонунчилик ва меъёрий базадан хабардорлик;
- д) ваколатлилик.

1.8. Мажбурий аудит нима дегани?

- а) хўжалик субъекти раҳбарияти қарори бўйича ўтказиладиган текширув;
- б) мулк эгаларининг қарорига кўра ўтказиладиган текширув;

- в) Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан ўтказиладиган текширув;
- г) солиқ инспекциясининг ҳужжатий текширувлари.

1.9. Аудиторлик текшируви хулосалари солиқ инспекциясининг режалаштирилган сайёр текширувлар графигига таъсир кўрсатадими?

- а) йўқ;
- б) ҳа;
- в) фақат корхона салбий аудиторлик хулосаси олганда;
- г) аудиторлик ташкилоти солиқ инспекцияси билан яхши муносабатда бўлганда.

1.10. Қуйидаги хўжалик субъектларининг қайси бири мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши шарт?

- а) суғурта ташкилотлари, ёпиқ акциядорлик жамиятлари;
- б) очик акциядорлик жамиятлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- в) давлат корхоналари, бюджет ташкилотлари;
- г) қўшма корхоналар, хорижий фирмаларнинг Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган шўъба корхоналари.

1.11. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида аудиторлик текширувлари ўтказиладими?

- а) ҳа, лекин бу “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилмаган;
- б) йўқ, давлат органлари фақат давлат назорат органлари томонидан текширилади;
- в) ҳа, бу “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунда кўзда тутилган;
- г) ҳа, агар аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича шартнома тузилган бўлса.

1.12. Ички аудит бу – корхонанинг ҳисобот ва иқтисодий сиёсати ҳамда бошқарувни самарали амалга оширилиши устидан назоратдир:

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) тўғри жавоб йўқ;
- г) бу ички аудитор ва корхона раҳбарияти ўртасида тузилган шартномага боғлиқ.

1.13. Мажбурий аудиторлик текшируви қайси ҳолларда ўтказилади?

- а) корхона эгалари қарорига кўра;
- б) молиявий ёки солиқ органлари топшириғига кўра;
- в) аудиторлик ташкилотининг хоҳишига кўра;
- г) қонунчиликда белгиланган ҳолларда.

1.14. Ички ва ташқи аудитнинг асосий фарқи қуйидагилардан иборат:

- а) текшириш объектлари;
- б) ҳисобот ҳужжатлари;
- в) текшириш услублари;
- г) аудиторнинг мижоз билан ўзаро муносабатлари.

1.15. Аудитор ва мижознинг ўзаро муносабатлари:

- а) қонуности меъёрий ҳужжатларга кўра белгиланади;
- б) ихтиёрийлик ва ҳақ тўлаш принципи асосига қурилади;
- в) аудиторлик хизматлари кўрсатиш бўйича шартнома билан аниқланади;
- г) мижознинг хоҳишига кўра белгиланади.

1.16. Ташаббус аудити қуйидаги органлар қарорига кўра ўтказилади:

- а) аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи;

- б) хўжалик субъекти;
- в) солиқ инспекцияси;
- г) аудиторлик ташкилоти.

1.17. Ходими корхонанинг ички аудит хизматида ишловчи аудиторлик ташкилоти ушбу корхонада ташқи аудиторлик текширувини ўтказиши мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) корхона билан келишган ҳолда;
- г) ушбу аудиторни текширув гуруҳига қўшмаган тақдирда.

1.18. Мажбурий аудиторлик текшируви йилнинг қайси кунигача ўтказилиши зарур:

- а) 21 март кунигача;
- б) 1 май кунигача;
- в) 1 сентябрь кунигача;
- г) 8 март кунигача.

1.19. Хўжалик субъектида аудиторлик текшируви қайси ҳужжатга асосан бошланади:

- а) аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари;
- б) хўжалик субъектининг Ҳисоб сиёсати;
- в) аудиторлик текширувини ўтказиш шартномаси;
- г) хўжалик субъекти Кузатув кенгашининг қарори.

1.20. Хўжалик субъекти банк кредити олаётганда аудиторлик ташкилоти томонидан унинг қуйидаги ҳужжатларини текшириш етарлидир:

- а) солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган бухгалтерлик ҳисоботлари;
- б) бизнес режа ва бухгалтерлик ҳисоботлари;
- в) учинчи шахс томонидан берилган кафолат, бизнес план, солиқ инспекция томонидан қабул қилинган бухгалтерлик ҳисоботлари;
- г) хўжалик субъектининг бухгалтерлик ҳисоботлари ва бирламчи молиявий хўжалик ҳужжатлари.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР:

1.1 - Масала

“Зафар” ишлаб чиқариш корхонаси 2008 йилнинг 1 октябрь кунидан, мулк эгаларининг қарорига кўра, ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидан масъулияти чекланган жамият шаклига ўтди. Корхона умумий солиқ тизимида бўлган.

Талаб этилади:

1. Корхона 2008 йил натижаси бўйича мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиши лозимми?
2. Фаолият йўналишини ўзгартириши муносабати билан ягона солиқ тизимига ўтиши мумкинми?

1.2 - Масала

2008 йилнинг апрель ойида “Зафар” ишлаб чиқариш корхонаси бухгалтериясида иш ҳақини ҳисоблашда фойдаланадиган компьютер программаси ишдан чиқиши муносабати билан аудиторлик ташкилотига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисобни тиклаб беришни сўраб мурожаат этди. Шартнома асосида аудиторлик ташкилоти 2008 йилнинг май ойида корхонани ушбу бухгалтерлик ҳисобини тиклаб берди. Ушбу йилнинг декабрь ойида корхона 2008 йил натижалари бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиб беришни сўраб худди шу аудиторлик ташкилотига мурожаат қилди.

Талаб қилинади:

1. Аудиторлик ташкилоти ушбу таклифни қабул қилиши мумкинми?
2. Аудиторлик ташкилоти “Зафар” ишлаб чиқариш корхонасида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузиши мумкинми?
3. Аудиторлик ташкилоти “Зафар” ишлаб чиқариш корхонасида ташаббус аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузиши мумкинми?

1.3 - Масала

Нодавлат нотижорат жамоат ташкилотининг банк ҳисоб рақамига 2008 йил давомида 7 млн. сўм миқдорида аъзолик бадаллари, 12 млн. сўм миқдорида хайрия ёрдами маблағлари, молиявий фаолият натижалари бўйича 1 млн. сўм миқдорида даромад ва қўшимча фаолият натижасида 14 млн. сўм миқдорида ялпи тушум келиб тушди.

Талаб қилинади:

1. Нодавлат нотижорат жамоат ташкилотида 2008 йил натижалари бўйича мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилиши шартми?
2. Агарда нодавлат нотижорат жамоат ташкилотини банк ҳисоб рақамига йил давомида фақатгина аъзолик бадаллари келиб тушган бўлса, 2008 йил натижалари бўйича Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2 шакл) тузилиши шартми?

1.4 - Масала

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Зафар” ишлаб чиқариш корхонаси устав капиталининг 10% давлатга тегишлидир. 2008 йил давомида корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти натижасида 83,7 млн. сўм миқдорида ялпи тушум олинди. Ушбу маблағларнинг 50% бюджет ташкилотларидан келиб тушган.

Талаб қилинади:

“Зафар” МЧЖ фаолияти бўйича мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладими?

1.5 - Масала

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Келажак” суғурта ташкилоти 2008 йил давомида 280 млн сўмлик суғурта хизматини кўрсатди. Суғурта ташкилоти янги ташкил этилгани сабабли 2008 йилни зарар билан якунлади.

Талаб этилади:

1. “Келажак” суғурта ташкилотининг 2008 йил фаолияти бўйича мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладими?
2. Агарда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган бўлса, ушбу текширувни ўтказувчи аудиторлик ташкилоти қандай талабларга жавоб бериши керак.

1.6 - Масала

2008 йилнинг май ойида “Зафар” ишлаб чиқариш корхонаси фаолият кўламини кенгайтириш мақсадида ваколатли банк муассасасига кредит олиш учун мурожаат қилди. Корхонани кредитга лаёқатлилиқ даражасини аниқлаш мақсадида банк корхонанинг 2007 йил натижалари бўйича баланс ҳисоботларини ва ушбу ҳисоботларни ишончга лойиқлигини тасдиқловчи аудиторлик ташкилотининг хулосасини сўради. Баланс ҳужжатлари тегишли солиқ инспекцияси томонидан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига биноан корхонанинг фаолияти мажбурий аудитга тегишли эмас. Лекин 2007 йил натижалари бўйича корхона фаолияти солиқ органлари томонидан Комплекс текширувдан ўтказилган бўлиб, текширувда жиддий хато ва камчиликлар аниқланмаган. Текширув Далолатномасини нусхаси ҳам банкка тақдим этилган. Шу билан биргаликда ушбу кредит бўйича учинчи ташкилот кафиллик мажбуриятини ҳам олган.

Талаб қилинади:

1. Банк томонидан аудиторлик ташкилотини хулосаси талаб этилаётгани қонунийми? Асослаб беринг.
2. Солиқ органларининг комплекс текширувининг ижобий натижалари асосида банк кредит ажратган бўлса, ушбу банкни текшираётган аудиторлик ташкилоти бу ҳолни қандай қабул қилиши мумкин.
3. Аудиторлик ташкилоти солиқ органлари томонидан қабул қилинган баланс ҳужжатлари, комплекс текширув далолатномаси ва кафил ташкилотнинг ёзма равишда расмийлаштирган мажбурияти асосида хулоса бериши мумкинми?

2 - МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

2.1. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар қуйидаги талабларнинг қайси бирига жавоб беришлари лозим?

- а) иқтисодий соҳа бўйича олий маълумотга ва охириги 10 йил ичида иқтисод соҳасида 3 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлиш;
- б) аудит, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби йўналишида олий маълумотга эга бўлиш;
- в) иқтисодий соҳа бўйича ўрта маълумотга эга бўлиш ва аудит, солиқ ва бухгалтерия ҳисоби бўйича 10 йиллик амалий тажрибага эга бўлиш
- г) солиқ маслаҳатчиси малака сертификатига ва 5 йиллик иш стажига эга бўлиш.

2.2. Аудиторлик ташкилоти қандай ҳуқуқий ташкилий шаклда фаолият юритиши мумкин?

- а) очиқ акциядорлик жамияти шаклида;
- б) ёпиқ акциядорлик жамияти шаклида;
- в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мавжуд бўлган барча ташкилий ҳуқуқий шаклларда;
- г) шўъба корхонаси сифатида.

2.3. Аудиторлик фаолияти бўйича миллий стандартларни ишлаб чиқариш маъулияти кимга юклатилган?

- а) давлатнинг ваколатли органига;
- б) нотижорат нодавлат профессионал жамоат ташкилотларига;
- в) аудиторлик ташкилотларининг методик марказларига;
- г) аудит соҳасида катта амалий ва назарий тажрибага эга шахсларга.

2.4. Аудиторлик фаолияти бўйича ички стандартларни ишлаб чиқариш маъулияти кимга юклатилган?

- а) давлатнинг ваколатли органига;
- б) нотижорат нодавлат профессионал жамоат ташкилотларига;
- в) аудиторлик ташкилотларининг методик марказларига;
- г) аудит соҳасида катта амалий ва назарий тажрибага эга шахсларга.

2.5. Тижорат банкларини аудиторлик текшириш бўйича аудиторнинг малака сертификати неча йил давомида кучда бўлиши мумкин?

- а) 3 йил;
- б) 5 йил;
- в) 7 йил.
- г) ваколатли орган қарорига асосан белгиланади.

2.6. Аудитор назорат органлари томонидан хўжалик субъекти фаолиятини ташаббус аудиторлик текширувига мутахассис сифатида жалб этилиши мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) агар улар орасида тегишли шартнома тузилган бўлса;
- г) агар аудитор аудиторлик ташкилотининг штатида бўлса.

2.7. Аудиторлик ташкилоти тижорат банкларида аудиторлик текширувини ўтказиши учун қандай ҳужжатга эга бўлиши лозим?

- а) аудиторлик фаолиятини олиб бориш бўйича лицензияга;

- б) банк аудитини олиб бориш бўйича лицензияга;
- в) Марказий банк билан тузилган махсус шартномага;
- г) Жаҳон банкининг энг яхши аудиторлик ташкилотлари қисқа рўйхатига киритилган бўлса.

2.8. Январь ойида ўтган йил бўйича мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаётган аудиторлик ташкилоти хўжалик субъектидан жорий йилнинг аналитик ва синтетик ҳисоби бўйича қўшимча маълумот сўради. Лекин хўжалик субъекти бундай маълумотни беришдан бош тортди. Хўжалик субъекти ҳақида?

- а) ҳа, чунки аудиторлик ташкилоти шартнома шартларини бузган;
- б) ҳа, ҳисобот давридан кейинги операцияларни текширишга аудиторнинг ҳеч эҳтиёжи йўқ, чунки текширув даврида ҳисоботда ва бухгалтерия ҳисобида аудитор ҳеч қандай ҳатоликларни аниқламади;
- в) йўқ, чунки бу ҳолатни аудиторлик текширувини чеклаш деб ҳисоблаш мумкин;
- г) йўқ, чунки аудиторлик ташкилоти хўжалик субъекти эгаларига батафсил ахборот бериши лозим.

2.9. Аудиторлик текширувидан сўнг хўжалик субъекти аудиторлик ҳисоботида келтириб ўтилган норматив ҳужжатларни тақдим этишни сўраб аудиторлик ташкилотига мурожаат этди. Лекин аудиторлик ташкилоти бундан бош тортди ва шартномада бундай масъулияти йўқлигини сабаб деб кўрсатди. Ушбу ҳолатга баҳо бериш.

- а) аудиторлик ташкилоти ўз мижозига ушбу ахборотни беришга мажбур;
- б) мижознинг юристини айби билан шартномага ушбу шарт киритилмаган;
- в) Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунига асосан мижознинг бундай шарт қўйиши ўринсиз;
- г) тегишли норматив базалардан корхона юристи ушбу ҳужжатларни олиши мумкин.

2.10. 2007 йилнинг октябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган очик акциядорлик жамияти шаклидаги хўжалик субъектида 2008 йил бўйича аудиторлик текшируви вақтида 2007 йил бўйича мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмагани маълум бўлиб қолди. Аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши лозим:

- а) хўжалик субъекти акционерларига қонунчилик нормалари бузилгани ҳақида хабар бериши;
- б) шартнома шартлари ва суммасини қайта кўриб чиқиши;
- в) аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиши;
- г) фақат 2008 йил бўйича аудиторлик текширувини ўтказиши.

2.11. Аудиторнинг мижоз олдидаги масъулият даражаси қандай белгиланади:

- а) хўжалик суди қарори;
- б) ваколатли давлат органи қарори;
- в) аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома;
- г) аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари.

2.12. Аудиторга текширувнинг шакл ва услубларини ўз ҳолича белгилаш ҳуқуқи берилганми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) бу ҳуқуқ аудиторлик ташкилотига берилган;
- г) бу ҳуқуқ хўжалик субъектига берилган.

2.13. Мажбурий аудиторлик текшируви доирасида омборхонада ўтказилган инвентаризация вақтида 85.000 сўмлик камомад аниқланди. Аудиторлик ташкилоти нима қилиши лозим:

- а) салбий аудиторлик хулосасини бериши;
- б) хўжалик субъекти раҳбариятини хабардор қилиши, ушбу камомадни молиявий ҳисоботга таъсир этиши ва ушбу ҳолат бўйича мижоз томонидан амалга оширилган ишларга қараб аудиторлик хулосасини тайёрлаши;
- в) камомадни қонунчиликда белгиланган тартибда қопланишини талаб этиши ва қоплангандан сўнггина текширувни давом эттириши;
- г) хўжалик субъекти таъсисчиларига хабар бериши.

2.14. Аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузилаётганда аудиторлик ташкилоти мижознинг ишлаб чиқариш фаолияти ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига ҳос томонлари сабабли унинг молиявий ҳисоботидаги баъзи бир хатоликлар аниқланмай қолиши мумкинлиги ҳақида уни огоҳлантирди. Ушбу огоҳлантириш аудиторлик ташкилотини келгусида юз бериши мумкин бўлган масъулиятдан озод этадими?

- а) ҳа;
- б) ҳа, агарда мижоз бунга ёзма равишда ўз розилигини билдирса;
- в) йўқ;
- г) йўқ, чунки огоҳлантириш оғзаки равишда бўлган.

2.15. Аудиторлик текшируви бўйича шартномада аудиторлик ташкилоти ўз хулосаси бўйича моддий жавобгарликка эга эмаслиги кўрсатилган. Ушбу ҳолатга баҳо беринг.

- а) мумкин, агар мижоз томонидан ушбу шартнома имзоланган бўлса;
- б) мумкин, чунки аудиторлик ташкилотининг масъулият даражаси шартномада кўрсатилади;
- в) мумкин эмас, чунки бу аудитнинг моҳиятига зид;
- г) мумкин эмас, чунки мижоз шартномани имзолаётганда ўз ҳуқуқлари ҳақида ахборотга эга бўлмаган.

2.16. Аудиторлик ташкилоти қўшимча даромад олиш мақсадида ўз методик қўлланмаларини тижорат асосида тарқатишга қарор қилди. Бу қонунчилик меъёрларига тўғри келадими?

- а) йўқ, чунки аудиторлик ташкилоти савдо фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас;
- б) йўқ, чунки бу “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунга зиддир;
- в) ҳа, чунки бу “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган;
- г) ҳа, агарда у ўз хизматини маслаҳат хизмати деб расмийлаштирса.

2.17. Аудиторлик текшируви вақтида аудиторлик ташкилоти келгусида хўжалик субъектини банкротликка олиб келадиган ва қонунчиликка зид бўлган хўжалик шартномаларини борлигини аниқлади. Аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши лозим:

- а) хўжалик субъекти таъсисчиларига хабар бериши;
- б) шартномани бекор қилиши;
- в) аудиторлик текширувини давом эттириши;
- г) хўжалик субъектидан қонунчиликка зид бўлган шартномаларни бекор қилишни талаб қилиши.

2.18. Аудиторлик текшируви вақтида мижоз томонидан солиқ қонунчилиги талаблари бузилганлиги аниқланди. Аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши керак?

- а) солиқ органларига хабар беради;
- б) аниқланган хатони қонунчиликда белгиланган тартибда тўғрилашни тавсия этади;
- в) агарда солиқ органлари талаб этсагина хабар беради;

г) ўз миқозига солиқ органларига хабар беришни тавсия этади.

2.19. Аудиторлик текширувининг нархи нимага асосланиб белгиланади:

- а) амалда бўлган энг кам иш ҳақининг миқдорига қараб;
- б) миқоз билан тузилган шартномага асосан;
- в) давлат органлари томонидан тасдиқланган прејскурантга асосланиб;
- г) аудиторлик ташкилотининг ички стандартларига асосан.

2.20. Амалдаги қонунчилик асосида аудиторлик ташкилоти қандай ҳуқуқларга эга:

- а) аудиторлик текширувининг шакл ва услубларини белгилаш;
- б) шартнома асосида бошқа аудиторлик ташкилотларида ишлаётган аудиторларни текширишга жалб этиш;
- в) текширилаётган ҳўжалик субъекти томонидан керакли ҳужжатлар тақдим этилмаса, аудиторлик ҳисоботини тайёрлашдан бош тортиш;
- г) ҳўжалик субъектининг моддий активларида жуда катта миқдорда камомад аниқланса тегишли бирламчи ҳужжатларни белгиланган тартибда олиб қўйиш.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР:

2.1 - Масала

Аудиторлик текшируви вақтида гуруҳ раҳбари касса операцияларини текширишни аудитор ёрдамчисига топширди. Текширув натижасида касса операцияларида камчиликлар аниқланмади. Аудиторлик хулосаси берилгандан сўнг ушбу хўжалик субъектида солиқ органи томонидан текширув ўтказилди ва касса операциялари бўйича камчиликлар аниқланди. Хўжалик субъектига жарима солинди.

Талаб қилинади:

Хўжалик субъектига нима сабабдан жарима солинганини тушунтириб беринг.

2.2 - Масала

Хўжалик субъекти ўзининг молиявий ҳисоботларини текшириб бериш бўйича унга хизмат кўрсатаётган аудиторлик ташкилоти билан шартномани бекор қилиб бошқа аудиторлик ташкилоти билан шартнома имзолади.

Талаб қилинади:

Янги аудиторлик ташкилоти ўз ишини қандай бошлаши лозим?

2.3 - Масала

Хўжалик субъектини молиявий ҳисоботларининг аудиторлик текширувини 3 йил давомида битта аудиторлик ташкилоти амалга оширмоқда. Текширувни ҳар сафар битта аудиторлар гуруҳи амалга ошириб, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ҳар сафар ўзи мутахассис бўлган вазифаларни бажаради.

Талаб қилинади:

1. Ушбу ҳолатнинг ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг;
2. Агарда салбий томонлар мавжуд бўлса уни олдини олиш учун аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши керак?
3. Келгуси йил бўйича аудиторлик текширувини ўтказишда камчиликларга йўл қўймаслик учун аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши лозим?

2.4 - Масала

“Зафар” ишлаб чиқариш корхонаси республика ҳудудларида филиаллар тармоғига эга. Ишга янги қабул қилинган бош бухгалтер филиаллар билан ишлаш тажрибасига эга бўлмагани сабабли аудиторлик ташкилотига мурожаат қилинди. Аудиторлик ташкилоти шартнома асосида бош корхона ва унинг филиаллари орасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар схемасини ишлаб чиқиши ва корхона бухгалтерияси фаолиятини янги режимда ишлашини уч ой давомида назорат этиши лозим.

Талаб қилинади:

1. Аудиторлик ташкилоти бу ҳолатда қандай қўшимча хизматлар таклиф этиши мумкин?
2. Аудиторлик ташкилоти ушбу корхонада кейинги йил бўйича аудиторлик текширувини ўтказиши мумкинми?

2.5 - Масала

Мажбурий аудиторлик текшируви вақтида муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжудлиги аниқланди. Аудиторлик ташкилоти қарздор ташкилотлар ҳақида қўшимча маълумотларни сўраганда хўжалик субъекти маълумот беришдан бош тортди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти бу ҳолда қандай йўл тутишини тушунтириб беринг.

2.6 - Масала

Тижорат банки умумий аудиторлик фаолияти олиб бориш бўйича лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотига ўзининг молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиб беришни сўраб мурожаат этди. Лекин аудиторлик ташкилоти штатида фақатгина битта банк аудити бўйича сертификатга эга бўлган мутахассис бор.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти ушбу таклифни қабул қилиши мумкинми? Ўз жавобингизни асослаб беринг.

2.7 - Масала

Аудиторлик ташкилоти шартнома асосида хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботларини тайёрлаб берди. Лекин хўжалик субъекти ҳисоботларнинг бирида камчилик борлигини маълум қилди.

Талаб қилинади:

Ушбу вазиятда аудиторлик хизмати бўйича сифат назоратининг қайси шартлари бузилган?

2.8 - Масала

Аудиторлик текшируви доирасида хўжалик субъектининг моддий жавобгар шахслари томонидан катта миқдорда моддий бойликлар ўзлаштириб юборилгани аниқланди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти бу вазиятда қандай йўл тутиши лозим?

2.9 - Масала

“Зафар” ишлаб чиқариш корхонасида ўтказилган аудиторлик текшируви вақтида корхонанинг молиявий ҳисоботлари ҳар томонлама ишончга сазоворлиги аниқланди. Лекин корхона бухгалтерияси ходимларидан бири билан бўлган суҳбат вақтида аудитор ёрдамчиси корхонанинг ёрдамчи материаллар омборидан катта миқдорда ўғирлик юз бергани ҳақида норасмий ахборотга эга бўлди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши лозим?

2.10 - Масала

“Зиёли” савдо корхонаси ҳам улгуржи, ҳам чакана савдо билан шуғулланади. Ўз бухгалтерияси ишини енгиллаштириш ва бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш мақсадларида корхона “Программист” номли компьютер дастурларини ишлаб чиқарувчи ташкилот билан шартнома тузди. “Программист” ташкилоти эса бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини автоматлаштириш, ҳисоб регистрларини яратиш ва ахборот базасини шакллантиришда маслаҳат хизматини кўрсатиш бўйича аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузди.

Талаб қилинади:

1. Аудиторлик ташкилоти ушбу хизматни кўрсатишга ҳақлими?
2. Келажакда аудиторлик ташкилоти “Зиёли” савдо корхонасига аудиторлик хизматини кўрсатишга ҳақлими?

3 – МАВЗУ: АУДИТОРНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

3.1. Аудиторлик ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун унинг устав капиталининг неча фоизи аудиторлик малака сертификатиغا эга бўлган жисмоний шахсга тегишли бўлиши лозим?

- а) камида учдан икки қисми;
- б) камида 51%;
- в) 100 %;
- г) таъсисчиларнинг истагига боғлиқ.

3.2. Қуйидаги ҳолатларнинг қайси бирида аудиторнинг мустақиллиги ва объективлиги бузилмаган:

- а) аудитор текшириладиган хўжалик субъектига бошқарув ҳисобини такомиллаштириш, бизнес режа ишлаб чиқиш бўйича хизмат кўрсатди;
- б) аудитор текшириладиган хўжалик субъектига нисбатан мулк ҳуқуққа эга;
- в) аудиторнинг яқин қариндошлари текшириладиган хўжалик субъектида раҳбар лавозимида ишлайди;
- г) аудитор хўжалик субъектига солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳат хизматини кўрсатган.

3.3. Аудитор ўз фикрини тайёрлаш вақтида кимга бўйсунди:

- а) аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик субъектига;
- б) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига;
- в) аудиторлик ташкилотининг таъсисчилари, раҳбарларига;
- г) ҳеч кимга.

3.4. Аудиторлик текшируви тугагандан сўнг текширув ўтказилган хўжалик субъекти аудиторлик гуруҳи раҳбарига қимматбаҳо буюм совға қилди. Аудиторлик ташкилотининг раҳбари бу ҳолда нима қилиши лозим?

- а) ўз ходимиغا совғани олишни тавсия этади;
- б) ўз ходимиغا совғани қайтариб топширишни тавсия этади;
- в) аудиторлик текширув натижаларини шахсан ўзи қайтадан текшириб чиқади;
- г) ушбу совғани давлат ихтиёрига ўтказди.

3.5. Аудиторлик ташкилоти текширув натижалари бўйича аудиторлик хулосаларини тайёрлайдиганда текширув олиб борган аудиторнинг яқин қариндоши ушбу корхонада ишлаши маълум бўлиб қолади. Аудиторлик ташкилотининг раҳбари бу ҳолда қандай йўл тутди:

- а) бу ҳақда ўз вақтида огоҳлантирмагани учун ўз ходимиغا хайфсан эълон қилади;
- б) аудиторлик хулосасини беришдан бош тартади;
- в) ушбу аудиторни четлаган ҳолда аудиторлик текширувини қайтадан ўтказди;
- г) аудиторлик ҳисоботи асосида аудиторлик хулосасини беради.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

3.1 - Масала

Аудитор бошқа аудиторлик ташкилотида ишловчи ўз ҳамкасби билан аудиторлик текшируви вақтида ўзи дуч келган муаммони муҳокама қиляпти.

Талаб қилинади:

1. Аудитор сир сақлаш бўйича ўзи қабул қилган шартномавий талабларни бузаяптими?
2. Аудитор ушбу муаммони ўзи билан ишлайдиган аудитор билан муҳокама қилишга ҳақлими?
3. Аудиторнинг Касб этикаси кодекси талаблари доирасида аудитор қандай йўл тутиши лозим?

3.2 - Масала

Аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик субъектида аудиторларнинг бирини яқин қариндоши курьер вазифасида хизмат қилади.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти бу ҳолда қандай йўл тутишини изоҳлаб беринг.

3.3 - Масала

Аудиторлик ташкилотининг мижози бўлган хўжалик субъекти банк кредити олаётганда унга кафиллик беришни сўраб мурожаат этди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти бу ҳолатда қандай йўл тутишини тушунтириб беринг.

3.4 - Масала

Аудиторлик текшируви вақтида аудитор текширилаётган хўжалик субъекти бошқа бир хўжалик субъектини сотиб олиш нияти борлигини аниқлади. Агар бу режа амалга ошса текширилаётган хўжалик субъектининг акцияларини бозор нархи кўтарилади. Аудитор воситачи орқали ўзи текшираётган хўжалик субъектини акцияларини сотиб олди.

Талаб қилинади:

1. Ушбу ҳолатда аудитор ўзининг касбий мажбуриятларини бузмадими?
2. Ушбу ҳолатда аудитор шартнома талабларини бузмадими?

3.5 - Масала

Ўтган йилда ўтказилган аудиторлик текшируви бўйича ўз хизмат ҳақини олмаган аудиторлик ташкилоти келгуси йилда ҳам шу корхонада аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома имзолади. Лекин аудиторлик ташкилоти олдинги шартнома бўйича ўз хизмат ҳақини олмагунча иш бошламаслигини мижозга маълум қилди. Хўжалик субъектининг раҳбари агарда ўз вақтида аудиторлик хулосасини олса ва бу хулоса ижобий бўлса корхона четдан сармоя олишини ва шунда аудиторлик ташкилотига барча ўз қарзларини тўлаб беришини маълум қилди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти ушбу таклифни қабул қилса қандай муаммоларга дуч келади.

3.6 - Масала

Хўжалик субъекти келгуси аудиторлик текширувини тезлаштириш мақсадларида жорий йилда аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотидан текширувнинг ишчи хужжатларидан нусха сўради.

Талаб қилинади:

1. Бу ҳолда аудиторнинг мустақиллик принципи бузилмайдими?
2. Аудиторлик ташкилоти бундай таклифга қандай муносабатда бўлиши лозим?

3.7 - Масала

Аудиторлик ташкилотига ўзи текшираётган хўжалик субъекти автомашина сотиб олишни таклиф этди.

Талаб қилинади:

Бу ҳолда аудиторнинг мустақиллик принципи бузиладими?

3.8 - Масала

Аудиторлик ташкилоти 3 йил мобайнида хўжалик субъекти фаолиятини ташаббус асосида аудиторлик текширувидан ўтказиб келмоқда. Шу давр мобайнида ўз мижозининг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимининг ўзига хос хусусиятларини, бухгалтерия ҳисобидаги мавжуд муаммоларни чуқур ўрганди. Хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисобини компьютерлаштириш мақсадларида маслаҳат хизматини кўрсатишни сўраб ушбу аудиторлик ташкилотига мурожаат этди.

Талаб қилинади:

1. Қонунчилик нормаларида аудиторлик ташкилотига ушбу хизматни кўрсатишга бирон бир тўсқинлик борми?
2. Ушбу хизматни кўрсатгандан сўнг аудиторлик ташкилоти навбатдаги аудиторлик текширувини ўтказишда ўз мустақиллигини йўқотмайдими?

3.9 - Масала

Хўжалик субъектининг раҳбари бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини махсус савол бўйича текшириш ҳақида аудиторлик ташкилоти билан шартнома тузмоқда. Хўжалик субъекти раҳбари ва бош бухгалтери орасида келишмовчилик бўлгани сабабли, корхона раҳбари бош бухгалтерни ишдан бўшатишга асос топиб беришни сўради. Агарда уни илтимоси амалга ошса аудиторлик ташкилоти қўшимча мукофотга эга бўлишини маълум қилди

Талаб қилинади:

Ушбу ҳолатда аудиторлик ташкилоти қандай йўл тутиши лозим.

3.10 - Масала

Аудиторлик текширувини ўтказишга келган аудиторларни ётоқ ва овқатланиш харажатларини хўжалик субъекти ўз зиммасига олган бўлиб, бу харажатлар шартномада назарда тутилмаган.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти ушбу ҳолатда ўз мустақиллигини йўқотмайдими?

3.11 - Масала

Ўтган йил мобайнида аудиторлик ташкилоти аудиторлик хизматлари билан бир қаторда солиқ маслаҳатчилиги ва бухгалтерия ҳисобини тиклаш бўйича хизматлар кўрсатган. Якунланган йилнинг молиявий натижаларига кўра аудиторлик ташкилоти олган тушумнинг 15% гина аудиторлик хизматларини кўрсатиш орқали олингани маълум бўлди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилоти лицензия талабларини бузган ҳолда фаолият кўрсатмаяптими?

3.12 - Масала

Аудитор оммавий ахборот воситалари орқали ўзининг шахсий рекламасини амалга оширмоқда. Реклама мақсадларида аудитор ўзини фазилатларини бошқа аудиторларнинг малакаси билан солиштирмоқда.

Талаб қилинади:

Аудитор ўз ҳаракатлари билан малака этикаси талаблари чегарасидан чиқиб кетмадими?

3.13 - Масала

Юқори малакали мутахассис бўлган аудитор хизматдан бўш вақтларда аудит ва бухгалтерия ҳисоби бўйича илмий - амалий мақолалар ёзиб туради. Мақолаларга асос сифатида ўз амалиётида дуч келаётган воқеаларга таянади, ўз мижозларига тегишли бўлган баъзи бир фактларни эгасини номини кўрсатмасдан эълон қилади.

Талаб қилинади:

Аудиторнинг касбий фаолияти билан илмий фаолияти орасида келишмовчилик бўлиши мумкинми?

3.14 - Масала

Аудиторлик ташкилоти бир неча йилдан бери хўжалик субъектларида аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича аудиторлик гуруҳини раҳбарини ўзгартирмасдан, гуруҳ аъзоларини ўзгартириб турибди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик текширувларини ўтказиш вақтида аудиторлик ташкилоти бирон бир муаммога дуч келиши мумкинми?

3.15 - Масала

Аудиторлик ташкилоти пиво ишлаб чиқарадиган корхонада текширув олиб бормоқда. Текширишда иштирок этаётган аудиторларни хўжалик субъекти ҳар куни пиво билан меҳмон қиляпти.

Талаб қилинади:

1. Ушбу ҳолатда касб этикаси талаблари бузилмаяптими?
2. Агарда аудиторлар маҳсулот сифатини назорат этиш мақсадида пивони истеъмол қилган бўлишса касб этикаси талаблари бузилмайдими?

4 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

4.1. Аудиторлик ташкилоти текширадиган хўжалик субъекти раҳбарияти аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги шартнома ва мажбурият хатини имзолашдан бош тортса, қандай йўл тутиши керак?

- а) рад жавобига қарамай иш бошлаш;
- б) иш бошлашдан воз кечиш;
- в) солиқ инспекциясига мурожаат қилиш;
- г) мулк эгаларига мурожаат этиш.

4.2. Қайси ҳолларда аудитор ўз миқдори бўлган корхонадан бухгалтерлик ҳисоботида аудиторлик ҳулосаси берилишига қадар тузатиш киритишни талаб қилиши мумкин?

- а) ижобий ҳулоса бераётганда;
- б) қонунчилик ва меъёрий актлар жиддий равишда бузилгани аниқланганда;
- в) қонунчилик ва меъёрий актлардан четланиш муҳимлилик даражасидан кичик бўлганда;
- г) хўжалик субъекти тақдим этган ахборотлар ишончли эмаслиги аниқланганда.

4.3. Аудиторлик хизмати ҳақининг миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

- а) текширилаётган ташкилотнинг молиявий имкониятларига;
- б) кутилаётган аудиторлик текшируви ҳажмига;
- в) аудиторлик ташкилотининг рейтинг кўрсаткичларига;
- г) аудиторлик ташкилоти томонидан ўтган йилги шартнома бўйича олинган суммага;

4.4. Аудиторнинг масъулияти нималар билан белгиланади?

- а) назорат этувчи органлар соладиган жарима санкцияларининг миқдорига;
- б) шартнома предмети ва йўл қўйилган четлашувларнинг жиддийлиги билан;
- в) аудитор иш ҳақи билан;
- г) текширилаётган хўжалик субъектининг ўзи мустақил равишда топган ва тузатган хатолар сони билан.

4.5. Хўжалик субъекти текшириш учун ишончли бўлмаган ахборот тақдим этди. Аудитор қандай йўл тутиши керак?

- а) салбий аудиторлик ҳулосасини тайёрлаши;
- б) ушбу маълумотларни солиқ ва ҳуқуқ-тартибот органларига хабар қилиши;
- в) ишончсиз ахборот манбаини мустақил равишда топиши;
- г) ишончли бўлган ахборотни мустақил равишда излаши.

4.6. Аудиторлик текшируви ўтказиладиган муҳлат қандай белгиланади?

- а) хўжалик субъектининг қарори асосида;
- б) аудиторлик текшируви ўтказиш учун тузилган шартномага кўра;
- в) аудитор томонидан амалдаги вазиятга кўра;
- г) аудиторлик дастурига кўра.

4.7. Нима сабабдан аудитор текширувини режалаштириш керак?

- а) текширув ҳажмини аниқлаш учун;
- б) текшириш олиб боровчи аудиторлар сонини аниқлаш учун;
- в) текширув учун тўланадиган тўлов миқдорини аниқлаш учун;
- г) аввалги аудит натижалари ва солиқ текширишлари натижалари билан танишиш учун.

4.8. Аудитор ва ҳўжалик субъекти корхонанинг яқин келажакда ўз фаолиятини давом эттириш қобилиятига баҳо беришни аудитнинг мақсадларидан бири сифатида белгилашди. Аудит мақсадига эришиш учун қандай тадбирлар кўпроқ самара беради?

- а) баланс активлари ликвидлигини молиявий таҳлил қилиш;
- б) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўсишини хронологик кўринишда таҳлил қилиш;
- в) сотув ҳажмини инфляция коэффицентига таққослаб таҳлил қилиш;
- г) хусусий капиталнинг ўсишини таҳлил қилиш.

4.9. Бухгалтерлик ҳисоби тизимини ва амалдаги ички назоратни баҳолаш нима учун амалга оширилади?

- а) аудиторлик тадбирлари даражасини аниқлаш учун;
- б) корхона фаолияти билан танишиш учун;
- в) корхонанинг бундан кейин ҳам ишлашини аниқлаш учун;
- г) ички назорат воситаларининг самарадорлигини аниқлаш учун.

4.10. Аудитор ишининг сифат назорати нимадан иборат?

- а) аудиторлик гуруҳи раҳбарининг гуруҳ аъзолари ишини назорат қилишидан;
- б) буюртмачининг тақдим этилган аудиторлик ҳисоботи сифатини текширишидан;
- в) давлат органлари томонидан назорат этилишидан;
- г) нодавлат нотижорат профессионал жамоат ташкилотлари назоратидан.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

4.1 - Масала

Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик текширувини ўтказишга мажбурият хатини тайёрланг. Вазифани бажаришда 1-Иловадан фойдаланинг.

Хат матнида қуйидаги муҳим томонлар кўриб чиқилган бўлиши керак:

- аудит объекти, унинг миқёслари;
- аудит ўтказиш муддатлари;
- ҳисоб ва ҳисобот аҳволини текширишдан иборат аудиторлик текшируви мақсади;
- аудиторнинг мижоз олдидаги масъулияти;
- малакали хулоса тайёрлаш мақсадида мижознинг текширув учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мажбурияти;
- мижознинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисобот ишончли эканлиги учун жавобгарлиги;
- аудиторлик фаолиятини мувофиқлаштирувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар;
- аудиторлик фаолияти натижаларига кўра ҳисобот ва хулоса;
- корхонанинг ички назорат тизимидаги номукамаллик сабабли ҳисобда ноаниқлик ва хатолар мавжудлигини топиш эҳтимолини аниқлаш;
- синтетик ва аналитик ҳисоб ёзувлари, ҳужжатлар ва аудитда ўрганиладиган ҳар қандай ахборотни эркин олишни таъминлаш кафолати;
- тижорат сирини сақлаш мажбурияти;
- қўшимча шартлар (бошқа аудиторлар хизматларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар, аудитор ва мижознинг шартнома муносабатларини бундан буён ривожлантириш тўғрисидаги таклифлар).

4.2 - Масала

Аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида шартнома тузинг. Вазифани бажаришда 2-Иловадан фойдаланинг.

Ҳужжат матнида аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг асосий шартлари очиқ берилиши керак:

- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномаси предметини аниқлаш ва бухгалтерлик (молиявий) ҳисобот ишончли эканини тасдиқлаш;
- аудиторлар ва текшириладиган корхона ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш;
- аудиторлик ташкилотининг ўтказилган текширувнинг сифатсизлиги учун жавобгар эканини белгилаш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқига риоя қилиш ва ахборот махфийлигини сақлаш масаласини қайд этиш;
- шартномани бажариш муддатини белгилаш;
- аудиторлик текшируви ўтказиш шартномасини бир томонлама бузиш жиҳатларини аниқлаш.

Шартномада уни бажариш муддатларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилиши керак. Келишмовчиликларнинг олдини олиш учун шартномада ишнинг бошланиш ва тугаш муддати кўзда тутилиши мумкин. Масалан, текширишни бошлаш санаси сифатида бирон-бир бухгалтерлик ҳужжати тақдим этилган кунни ҳисоблаш керак. Оралиқ муддатларини кўзда тутиш ҳам мумкин, шунингдек, ушбу муддатларни ўзгартириш тартиби ҳам тилга олинади. Чунки кўп ҳолларда текширишнинг бориши ва суръатлари бухгалтерлик ҳужжатларининг ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тўлиқлиги ҳамда сифатига боғлиқ бўлади.

Шартномада аудиторлик ташкилоти аудит ўтказишда қандай меъёрий ҳужжатларга таянишини кўрсатинг, молиявий-хўжалик фаолиятининг қайси даври аудиторлик текширувидан ўтишини келишиб олинг.

Кейин томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, масалан, текшириладиган корхона ходимлари текширувни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказишлари учун аудиторларга шароит яратиб беришлари, аудиторлик ташкилоти ходимларининг инвентаризация ўтказишлари, ҳужжатларни танлаш ва қидиришда ёрдам беришлари кўрсатиб ўтилади.

Шартномада қандай маълумотлар махфий эканлиги таъкидланиши, аудиторлик ташкилотининг иши натижаларига эътироз кўрсатиш муддатлари ва асослари кўзда тутилиши зарур.

Шунингдек, бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб тартибини аниқлаш, аванс тўловларини кўзда тутиш лозим.

4.3 - Масала

Аудиторлик текшируви дастурини тузиб, унда зарур аудиторлик тадбирлари рўйхати, талаб қилинадиган дастлабки ҳужжатлар, аналитик ва синтетик ҳисоб регистрлари, ижрочилар ва ушбу ишни бажариш учун сарф бўладиган вақтни кўзда тутиш.

Мижоз билан ўтказилган дастлабки танишув асосида аудиторлик текшируви учун зарур бўлган вақт аниқланади. Аудитор қайси масалаларга айниқса, жиддий эътибор бериши лозимлигини аниқлаши керак, мисол учун:

- корхонанинг ҳисоб сиёсати ва таъсис ҳужжатларини ўрганиш;
- маҳсулот таннархига киритилувчи чиқимларнинг тўғри шаклланиши ва маҳсулот сотилишини тўлиқ акс эттирилгани;
- фойданинг шаклланиши ва ундан фойдаланиш тартибини текшириш.

Амалдаги ички назорат даражасини баҳолашдан олинган маълумотларга кўра касса ва ҳисоб-китоб операцияларини олиб бориш тартиби, товар-моддий қийматларнинг сақланиши ва ҳаракати, солиқ ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини текширишни кўзда тутиш зарур.

Тўла ва сифатли текширув ўтказиш учун керак бўлган аудиторларни сони аниқланади.

Дастурда аудиторлик ҳулосаси тузиш учун вақт ва аниқланган камчиликларни тузатиш учун тавсиялар кўзда тутилиши лозим.

Вазифани бажаришда 3-Илоадан фойдаланинг.

4.4 - Масала

Аудиторлик ташкилотини аудиторлик текширувини ўтказиш ва бухгалтерлик (молиявий) ҳисобот ишончли эканини тасдиқлаш учун таклиф этишди.

Биринчи босқичда аудиторлик ташкилоти дастлабки режалаштиришни амалга оширди ва мижознинг фаолияти билан танишиб чиқди.

Талаб қилинади:

Аудиторлик ташкилотини аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида мажбурият хатини тузиш.

4.5 - Масала

“Ташриф” ОАЖ нинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи аудиторлик текширувидан ўтиш жараёнида акциядор жамияти бошқа ҳудудларда жойлашган ўз филиаллари билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширгани аниқланди. Бу эса аудиторлик текширувининг ҳажми ва ўтказилиш муддатларига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Талаб қилинади:

“Ташриф” ОАЖ раҳбариятига тушунтириш хати жўнатиб, унда аудиторлик текшируви ўтказиш муддатлари ва текшириш ҳажмини қайта кўриб чиқишни таклиф этиш.

4.6 - Масала

“Иқлим” МЧЖ да аудиторлик текшируви ўтказиш жараёнида аниқланишича, бухгалтерия ходимлари ўтказган инвентаризация маълумотларида тайёр маҳсулотлар омборида катта суммадаги камомад аниқлангани кўрсатилган. Аудитор қайта инвентаризация ўтказиш ва унда шахсан қатнашишни лозим топди.

Талаб қилинади:

“Иқлим” МЧЖ раҳбарияти учун ёзма тушунтириш тузиб, унда аудитор иштирокида қайта инвентаризация ўтказиш зарур эканини қайд этиб, тайёр маҳсулотлар омборида инвентаризация ўтказиш режасини тайёрлаш.

4.7 - Масала

Савдо корхонаси солиққа тортиш масаласи бўйича аудиторлик ташкилотидан маслаҳат олмақчи.

Талаб қилинади:

Шартнома предметини аниқланг.

4.8 - Масала

“Саодат” фирмаси раҳбарияти аудиторлик ташкилотига мурожаат этиб, солиққа тортиш мақсадида харажатлар тўғри шаклланганини текширишни илтимос қилди.

Талаб қилинади:

Шартнома предметини аниқланг.

4.9 - Масала

“Рўё” МЧЖ аудиторлик ташкилотига мурожаат этиб, хўжалик субъекти фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва бизнесни келгусида ривожлантириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишни илтимос қилди.

Талаб қилинади:

Шартнома предметини аниқланг.

4.10 - Масала

Қурилиш компанияси раҳбарияти аудиторлик ташкилотига бошқарув ҳисоби моделини ишлаб чиқиш ва бюджетлаштириш тизимини жорий этиб бериш илтимоси билан мурожаат қияпти.

Талаб қилинади:

Шартнома предметини аниқланг.

5 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА МУҲИМЛИЛИК ВА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БАҲОЛАШ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

5.1. Аудитдаги муҳимлилик (моддийлик) – бу:

- а) бухгалтерлик ҳисоботини ишончлигига таъсир кўрсатмайдиган хато четланишнинг энг юқори даражаси;
- б) шартномада кўрсатилган аудиторлик хизматининг нархи;
- в) аудитда исботнинг мавжудлиги;
- г) аудиторнинг малакасига боғлиқ ҳолат.

5.2. “Муҳимлилик ва аудиторлик таваккалчилиги” стандарти муҳимлиликни қуйидагича таърифлайди:

- а) молиявий ҳисоботни бузишнинг энг юқори қиймати;
- б) фойдаланувчининг иқтисодий қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган ахборотнинг хусусияти;
- в) доимо мавжуд бўлган абсолют сон;
- г) аудиторнинг ўз ишига берган баҳоси.

5.3. Аудиторлик ташкилотига муҳимлилик даражасини аниқлаш тартиби ва асосий кўрсаткичлар тизимини ўзгартириш учун нималар сабаб бўлиши мумкин:

- а) муҳимлилик даражасини баҳолаш услубларига талаб қўядиган қонунчилик ҳужжатларида юз берган ўзгаришлар;
- б) мамлакатдаги солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар;
- в) Фуқоролик кодексига киритилган ўзгартиришлар;
- г) аудиторлик ташкилотида раҳбарнинг ўзгариши.

5.4. Муҳимлилик даражасини аниқлашнинг ягона йўналишини ишлаб чиқиш учун аудиторлик ташкилоти нима иш қилиши керак:

- а) аудиторларнинг фикрини ўрганиши лозим;
- б) муҳимлилик даражасини аниқлаш тартиби ва асосий кўрсаткичлар тизимини белгилаши керак;
- в) миқдорлар ҳисоботининг экспресс таҳлилининг ўтказиши лозим;
- г) иқтисодиёт тармоқларидаги амалдаги ҳолатни ўрганиши керак.

5.5. Аудиторлик таваккалчилиги, бу:

- а) аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олиши мумкинлиги;
- б) хўжалик субъектининг фаолияти яқин келажақда ривожланмаслик эҳтимоли;
- в) аудиторлик текширувидан кейин солиқ органлари томонидан ўтказиладиган режали текширувларда хато топилиш даражаси;
- г) аудиторлик текшируви якунлари бўйича молиявий ҳисобот унинг ишончлилиги тасдиқланганидан кейин аниқланмаган жиддий бузилишларни ўз ичига олмаслиги.

5.6. Аудиторлик текширувини дастлабки режалаштириш босқичида аудиторлик таваккалчилиги 8%, ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик 20%, назорат таваккалчилиги 15% деб аниқланди. Топмаслик таваккалчилиги нимага тенг:

- а) 2,6%;
- б) 4,0%;
- в) 5,2%;
- г) 12%.

5.7. Режалаштириш жараёнида аудитор назорат таваккалчилигини 10%, ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни 20%, топмаслик таваккалчилигини 12% деб белгилади. Аудиторлик текширувининг умумий таваккалчилиги нимага тенг:

- а) 2,0%;
- б) 0,2%;
- в) 3,2%;
- г) 0,8%.

5.8. Ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик деганда нимани тушинасиз:

- а) хўжалик субъектининг ҳисоботида муҳим бузилишларни, ички назорат тизими воситалари томонидан ушбу хатоликлар аниқлангунча, пайдо бўлиш эҳтимоли;
- б) ишончли бўлмаган ҳисоботни тасдиқланиш эҳтимоллиги;
- в) аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказилиш эҳтимоли;
- г) хўжалик субъектининг ҳисоботида муҳим бузилишларни, ички назорат тизими воситалари томонидан ушбу хатоликлар аниқлангунча, пайдо бўлмаслик эҳтимоли.

5.9. Ҳисоботга нисбатан ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни баҳолашда қайси факторларни ҳисобга олиш зарур:

- а) корхонанинг асосий фаолиятдан даромадни мавжудлигини;
- б) хўжалик субъекти тегишли бўлган иқтисодиёт тармоғидаги жорий ҳолат ва унинг хусусиятлари;
- в) бухгалтерлик ҳисоботини олиб борадиган ва тайёрлайдиган мутахассисларнинг тажриба ва савия даражаси;
- г) дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ўсиши.

5.10. Назорат таваккалчилиги, бу:

- а) хўжалик субъектида амалда бўлган ва доимо қўлланиб келинаётган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари жиддий бўлган бузилишларни ўз вақтида аниқлай ва тузата олмаслик эҳтимоли;
- б) ишончли бўлмаган ҳисоботни тасдиқланиш эҳтимоли;
- в) аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказилиш эҳтимоли;
- г) хўжалик субъектида амалда бўлган ва доимо қўлланиб келинаётган бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимлари жиддий бўлган бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва тузата олиш эҳтимоли.

5.11. Назорат воситаларини тестдан ўтказиш аудиторни қуйидагига ишонтириш мақсадида амалга оширилади:

- а) хўжалик субъектида амалда бўлган ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисоби тизими ишончли тарзда ишляптими;
- б) бухгалтерлик ҳисобида счетлар бўйича айланмалар ва сальдо тўғри акс эттириляптими;
- в) ҳисоботда хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари тўғри акс эттириляптими;
- г) хўжалик субъектини раҳбари ўз хизмат вазифасини суъистемол қилмаяптими.

5.12. Топмаслик таваккалчилиги, бу:

- а) аудитор томонидан текширув вақтида ишлатилаётган аудиторлик тадбирлари амалда мавжуд бўлган бузилишларни аниқлашга имкон бермаслик эҳтимоли;
- б) ишончли бўлмаган ҳисоботни тасдиқланиш эҳтимоли;
- в) аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказилиш эҳтимоли;
- г) ички назорат тизими воситалари ёрдамида жиддий бузилишларни аниқлай олмаслик эҳтимоли.

5.13. Топмаслик таваккалчилиги қуйидагини акс эттиради:

- а) аудитор хизматининг самарадорлиги ва сифати;
- б) назорат воситалари фаолиятининг самарадорлиги;
- в) хўжалик субъекти ҳисоботининг жиддий бузилишларга мойиллик даражаси;
- г) аудиторнинг малака даражаси.

5.14. Ажратиб бўлмайдиган таваккалчилик қандай аниқланади:

- а) ҳисоб-китоблар орқали;
- б) тест ўтказиш орқали;
- в) хўжалик субъекти ҳисоботининг экспресс таҳлили орқали;
- г) аудиторлик текшируви иш режаси орқали.

5.15. Аудиторлик таваккалчилиги қандай ҳисобланади:

- а) тест ўтказиш орқали;
- б) ҳисоб-китоблар орқали;
- в) аудиторлик ташкилоти ва хўжалик субъектининг ўзаро келишуви орқали;
- г) хўжалик субъекти ҳисоботининг экспресс таҳлили орқали.

5.16. Назорат таваккалчилиги қандай аниқланади:

- а) ҳисоб-китоблар орқали;
- б) тест ўтказиш орқали;
- в) хўжалик субъектининг мулкани инвентаризациядан ўтказиш орқали;
- г) аудиторлик ташкилоти ва хўжалик субъектининг ўзаро келишуви орқали.

5.17. Топмаслик таваккалчилиги қандай ҳисобланади:

- а) ҳисоб-китоблар орқали;
- б) тест ўтказиш орқали;
- в) хўжалик субъектининг мулкани инвентаризациядан ўтказиш орқали;
- г) аудиторлик ташкилоти ва хўжалик субъектининг ўзаро келишуви орқали.

5.18. Муҳимлилик даражаси қанчалик катта бўлса умумий аудиторлик таваккалчилиги шунчалик кичик бўлади:

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) ўзаро алоқаси йўқ;
- г) ҳа, агар аудиторлик текшируви бўйича шартномада келтирилган бўлса.

5.19. Агар аудитор топмаслик таваккалчилигини камайтирмоқчи бўлса, у мажбур бўлади:

- а) текширишга кетадиган вақтни кўпайтиришга;
- б) шартнома бўйича аудиторлик хизмати суммасини оширишга;
- в) гуруҳдаги аудиторлар сонини кўпайтиришга;
- г) аудиторлик танлашлар ҳажмини оширишга.

5.20. Аудиторлик текшируви вақтидаги ажратиб бўлмайдиган ва назорат таваккалчиликларининг паст кўрсаткичлари аудиторга, нисбатан катта бўлган топмаслик таваккалчилигини қабул қилган ҳолда, умумий аудиторлик таваккалчилигининг етарли кўрсаткичига эришиш имкониятини берадими:

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) ўзаро алоқаси йўқ;
- г) ҳа, агар аудиторлик текшируви бўйича шартномада келтирилган бўлса.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

5.1 – Масала

5.1.1 сонли - жадвалда кўрсатилган ишлаб чиқариш корхонасига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топинг.

5.1.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	32.100	10	
Баланс валютаси	292.000	2	
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	220.500	2	
Умумий харажатлар	96.400	2	
Соф фойда (даромад)	29.500	5	

5.2 – Масала

5.2.1 - сонли жадвалда кўрсатилган хусусий корхонага тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топинг.

5.2.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	40.000	10	
Баланс валютаси	85.400	2	
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	180.000	2	
Умумий харажатлар	120.000	2	
Соф фойда (даромад)	53.600	5	

5.3 – Масала

5.3.1 - сонли жадвалда кўрсатилган нодавлат нотижорат ташкилотига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топинг.

5.3.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	38.000	10	
Баланс валютаси	235.000	2	
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	Ишлатилмайди	2	
Умумий харажатлар	150.000	2	
Соф фойда (даромад)	Ишлатилмайди	5	

5.4 – Масала

5.4.1 ва 5.4.2 - сонли жадвалларда кўрсатилган ёпиқ акциядорлик жамиятига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топинг.

5.4.1 - жадвал

2009 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланс (минг сўм)

Кўрсаткичлар	Сумма
Узоқ муддатли активлар	
Асосий воситалар	8.400
Узоқ муддатли инвестициялар	400
I бўлим бўйича жами	8.800
Жорий активлар	
Дебиторлар, жами	4.800
Товар-моддий захиралар	1.000
Пул маблағлари, жами	450
II бўлим бўйича жами	6.250
БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	15.050
Ўз маблағлари манбалари	
Устав капитали	6.800
Резерв капитали	3.000
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	1.200
I бўлим бўйича жами	11.000
Мажбуриятлар	
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	650
Жорий мажбуриятлар, жами	3.400
II бўлим бўйича жами	4.050
БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	15.050

5.4.2 - жадвал

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот, (минг сўм)

Кўрсаткичлар	2008 йил
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	24.200
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	18.300
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	5.900
Операцион харажатлар	1.420
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	4.480
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	180
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	4.300
Даромад (фойда) солиғи	2.420
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	1.880

5.5 – Масала

“Лаззат” МЧЖ корхонаси ва аудиторлик ташкилоти ўртасида жамиятнинг 2008 йил бўйича молиявий – хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш, ҳамда унинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботларини ишончлигини тасдиқлаш бўйича шартнома имзоланди. Жамиятнинг асосий фаолияти: қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш.

Жамиятнинг 2009 йил 1 январь ҳолатига бўлган ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий натижалар бўйича кўрсаткичлари 5.5.1 ва 5.5.2 - сонли жадвалларда келтирилган.

5.5.1 - жадвал

“Лаззат” МЧЖнинг 2009 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси

Кўрсаткичлар	Сумма (минг сўм)
Узоқ муддатли активлар	
Асосий воситалар	226.410
Капитал қўйилмалар	300
Жорий активлар	
Товар-моддий захиралари, жами	3.400
Дебиторлар, жами	9.100
Пул маблағлари, жами	2.000
Бошқа жорий активлар	1.470
БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	242.680
Ўз маблағлари манбалари	
Устав капитали	90.000
Қўшилган капитал	37.500
Резерв капитали	4.900
Таксимланмаган фойда (копланмаган зарар)	8.150
Мажбуриятлар	
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	2.180
Қисқа муддатли қарзлар	6.000
Бошқа кредиторлик қарзлар	93.950
БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	242.680

5.5.2 - жадвал

“Лаззат” МЧЖнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

Кўрсаткичлар	2008 йил
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	36.000
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	30.000
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	6.000
Бошқа операцион харажатлар	10.000
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	2.500
Фоишлар шаклидаги даромадлар	4.000
Фоишлар шаклидаги харажатлар	1.500
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	1000

“Лаззат” МЧЖ бўйича муҳимлилик даражасини ҳисоблаш учун базавий кўрсаткичларни танланг. Жамиятнинг молиявий – ҳўжалик фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоботдаги хатоликни энг юқори чегараларини белгиланг.

5.5.3 ва 5.5.4 - сонли жадваллардан фойдаланиб муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини Жамиятни баланс моддалари орасида, унинг структурасига қараб пропорционал равишда тақсимланг.

5.5.3 - жадвал

Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини баланс структурасига пропорционал равишда тақсимлаш

Баланс активининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштирама улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4

5.5.4 - жадвал

Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини баланс структурасига пропорционал равишда тақсимлаш

Баланс пассивининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштирама улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4

“Лаззат” МЧЖнинг 2008 йилдаги молиявий – хўжалик фаолиятини натижалари бўйича ўтказилган аудиторлик текширувида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- бухгалтерия ҳисобида маҳсулот сотилишидан олинган тушум нотўғри шакллангани сабабли, харидорларнинг дебиторлик қарзлари 85.000 сўмга камайтириб кўрсатилган;
- маҳсулот етказиб берувчилар томонидан олинган ва тўланган счет-фактуралар ҳисоби тўлиқ олиб борилмагани натижасида кредиторлик қарзлари суммасини 215.000 сўмга камайтириш юз берган;
- “Лаззат” МЧЖнинг Ҳисоб сиёсатига тўғри келмайдиган хом ашёни ишлатиш нормативи қўллангани сабабли омборхонадаги хом ашёнинг қолдиғи 28.000 сўмга камайтгани аниқланди.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хатоларни таҳлил қилинг ва уларни “Лаззат” МЧЖ бухгалтерлик ҳисоботларидаги энг юқори хатолик чегараларига солиштиринг.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хатоликни муҳимлилиги ҳақида хулоса беринг. Аниқланган камчиликлар таҳлилини 5.5.5 - сонли жадвалда акс эттиринг.

5.5.5 - жадвал

Аниқланган камчиликларни таҳлили

Камчиликлар аниқланган баланс моддалари	Сумма, минг сўм	Хатонинг энг юқори чегараси, минг сўм	Хатонинг ҳақиқий суммаси, минг сўм	Чекланишни ҳисоби, минг сўм
1	2	3	4	5

5.6 – Масала

“МР Авто” ЁАЖ автомобиль ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти хорижий мол етказиб берувчиларга боғлиқ. Эҳтиёт ва комплект қисмларни сотиб олишда хорижий валютага бўлган эҳтиёжни қондириш учун корхона экспорт ҳажмини ошириши лозим. Халқаро бозорда ўз ўрнини йўқотмаслик учун корхона доимий равишда ўз маҳсулотини такомиллаштириб бормоқда.

Корхонанинг стратегик сиёсати натижасида сўнгги йилда маҳсулот сотишдан олинган тушум кўпайди. “МР Авто” ЁАЖ кўрсаткичлари 5.6.1, 5.6.2, 5.6.3 ва 5.6.4 - сонли жадвалларда кўрсатилган.

5.6.1 – жадвал

«МР Авто» ЁАЖ баланси, минг сўм

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил
Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар	1.655.136	2.188.368
Капитал қўйилмалар	515	468
Жорий активлар	635976	764604
Товар-моддий заҳиралари, жами	350.352	454.320
Дебиторлар, жами	245.952	263.232
Пул маблағлари, жами	39.672	47.052
БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	2.291.627	2.953.440
Ўз маблағлари манбалари		
Устав капитали	183.600	183.600
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	254.027	556.272
Мажбуриятлар		
Қиска муддатли қарзлар	1.854.000	2.213.568
БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	2.291.627	2.953.440

5.6.2 – жадвал

“МР Авто” ЁАЖнинг молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот (минг сўм)

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил
Маҳсулотларни сотишдан соф тушум	900.000	1.260.000
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	421.200	678.600
Маҳсулотни сотишдан ялпи фойда	478.800	581.400
Бошқа операцион харажатлар	75.600	82.800
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	403.200	498.600

5.6.3 – жадвал

Товар - моддий захиралар ҳаракати динамикаси, минг сўм

Кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил
Хом ашё	233.316	315.000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари	99.000	115.920
Тайёр маҳсулот	18.036	23.400
Ҳаммаси бўлиб	350.352	454.320

5.6.4 – жадвал

Дебиторлик қарздорлиги ўзгаришининг динамикаси, минг сўм

Муддати, кунларда	2007 йил	2008 йил
0 – 30	202.400	297.200
31 – 60	64.320	73.560
61 – 90	47.000	60.680
91 кундан юқори	36.632	22.880
Ҳаммаси:	350.352	454.320

Таваккалчиликнинг энг юқори чегарасини аниқланг ва уни мумкин қадар камайтириш йўллариини таклиф этинг.

5.7 – Масала

Муҳимлилик даражасини аниқлашда умумий йўналишни белгилаш мақсадларида аудиторлик ташкилоти ўзининг ички стандартида баланснинг баъзи бир моддаларига ҳам нисбатан муҳимлилик даражасини аниқлаш мезонларини белгилади. Ички стандарт баланснинг у ёки бу моддаси кўрсаткичига нисбатан хатоликнинг энг юқори четланиш фоизини назарда тутди. Мисол учун, агарда ҳар бир кўрсаткич бўйича четланиш:

- 5%гача бўлса, бу ҳол муҳим эмас деб ҳисобланади;
- 5% дан 10% чегарасида бўлса, муҳимлилик аудиторнинг малакали мушоҳидасига асосан баҳоланади;
- 10%дан юқори бўлган четланишлар муҳим деб ҳисобланади.

“Меъмор” МЧЖнинг молиявий ҳисоботлари бўйича аудиторлик текшируви вақтида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- ўзаро қиёслаш услуби орқали ўтказилган текширувда, счет-фактуралар, накладнойлар, хўжалик шартномалари, ишонч қоғозлари, берилган счет-фактураларни қайд этиш китоби, реализация китоби, журнал ордерлар ва бош китоблардан олинган маълумотлар асосида 800.000 сўм миқдоридаги дебиторлик қарзлари ҳақиқий эмаслиги аниқланди;
- моддий-товар бойликларини инвентаризацияси вақтида корхонада активларни сақлаш бўйича етарли чоралар кўрилмагани, уларнинг ҳаракатини мувофиқлаштирувчи амалдаги қонунчилик талаблари тўла бажарилмаётгани ва 600.000 сўмлик камомад аниқланди;
- нақд пул бойликларини инвентаризацияси вақтида 10.000 сўм миқдорида камомад аниқланди.

“Меъмор” МЧЖ баланснинг баъзи бир кўрсаткичлари 5.7.1 - жадвалда кўрсатилган.

Балансинг “Жорий активлар” қисми

Кўрсаткичлар	Сумма (минг сўм)
Товар-моддий заҳиралар (140 сатр):	12.000
Ишлаб чиқариш заҳиралари (150 сатр)	6.500
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (160 сатр)	250
Дебиторлар, жами (210 сатр)	8.000
Кассадаги пул маблағлари (330 сатр)	500
Ҳисоб китоб варағидаги пул маблағлари (340 сатр)	5.000
Жорий активлар	25.500

5.7.1 - сонли жадвал маълумотлари асосида аниқланган хатоларнинг энг юқори четланиш даражасини ички стандарт талабларига солиштиринг. Ўз ҳисобингизни 5.7.2 - сонли жадвалда акс эттиринг.

Аниқланган хатонинг баланс моддасига бўлган таъсирини ҳисоблаш

Баланс моддалари	Баланс суммаси (минг сўмда)	“Жорий активлар” бўйича хатоликнинг энг юқори чегараси				Текширувда аниқланган хато	Аниқланган хатонинг баланс моддасига таъсири, %
		min чегара		max чегара			
		%	сумма	%	сумма		
		1	2	3	4		

Аниқланган хатоларнинг «Меъмор» МЧЖ молиявий ҳисоботининг ишончилилик даражасига таъсири ҳақида хулоса беринг.

5.8 - Масала

“Лола” тикувчилик салони 2008 йил декабрида аудиторлик ташкилотига ўзининг молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиб беришни сўраб хат йўллади. Тикувчилик салони масъулияти чекланган жамият шаклида 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг таъсисчилари қуйидагилардир:

- Юридик шахслар: резидент ташкилот (10%) ва норезидент ташкилот (40%);
- Жисмоний шахслар: корхона директори (30%) ва директор ўринбосари (20%).

Тикувчилик салони аёллар кийимларини тикиш ва уларни 5та ўзига тегишли фирма дўконларида улгуржи ва чакана савдо орқали сотиш билан шуғулланади. Чакана савдо товар айланмасининг 45% ташкил этади. Асосий улгуржи харидорлардан бири “Кийим-кечак” ЁАЖ бўлиб, унга улгуржи савдо айланмасининг 78% тегишлидир. Салон фирма дўконлари учун савдо дўконларини ижарага олади.

Салоннинг бухгалтерия ҳисоби махсус компьютер дастури асосида олиб борилади. Бухгалтерия штати 7 кишидан иборат. Бош бухгалтер олий иқтисодий маълумотга ва САР сертификатига эга.

Талаб қилинади:

1. Тикувчилик салони фаолиятида мавжуд бўлган таваккалчиликнинг энг юқори даражасини аниқланг ва ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни баҳоланг.
2. Муҳимлилик даражасини ва ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни ҳисоблаш учун берилган маълумотлар етарлими?
3. Аудиторлик текширувининг ҳажмини аниқлаш учун мижоздан талаб этиладиган қўшимча маълумотлар рўйхатини тузинг.

5.9 - Масала

“Телеуста” ЁАЖ теле - радиоаппаратларни ва маиший жиҳозларни сотиш билан шуғулланади. Шунингдек, Жамиятда тикувчилик салони ва пойафзал тузатиш устахонаси ҳам мавжуд. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилган.

Талаб этилади:

Ички аудитор Жамиятдаги назорат таваккалчилигини баҳолаш учун қандай аудиторлик тадбирларини амалга ошириши лозим.

5.10 - Масала

а) агар аудитор ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни - 70%, назорат таваккалчилигини - 45%, топмаслик таваккалчилигини - 15% деб аниқлаган бўлса, умумий таваккалчиликни ҳисобланг.

б) агар аудитор умумий таваккалчиликни - 0,07%, ажратиб бўлмайдиган таваккалчиликни - 0,65%, назорат таваккалчилигини - 0,15% деб белгилаган бўлса, топмаслик таваккалчилигини ҳисоблаб топинг.

5.11 - Масала

“Сут-қаймоқ” ОАЖ ва аудиторлик ташкилоти ўртасида Жамиятнинг 2008 йилдаги ишлаб чиқариш ва молиявий натижалари бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш ҳақида шартнома имзоланди. Жамиятнинг асосий фаолияти - сут-қаймоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш. “Сут-қаймоқ” ОАЖ бухгалтерия ҳисоботлари 5.11.1, 5.11.2 ва 5.11.3 – сонли жадвалларда келтирилган.

5.11.1 – жадвал

“Сут-қаймоқ” ОАЖни баланси, минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
1	2	3	4
Актив			
I. Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар:			
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	1.928.000	9.350.000
Эскириш суммаси (0200)	011	420.000	633.000
Қолдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	1.508.000	8.717.000
Номоддий активлар:			
Бошланғич қиймати (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500)	021		
Қолдик (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022		
Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:	030	45.200	49.900
Қимматли қоғозлар (0610)	040	45.200	49.900
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050		
Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070		
Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800)	100	7.960.000	379.200
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940)	110	57.400	48.100
Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990)	120		
I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120)	130	9.570.600	9.194.200
II. Жорий активлар			

Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан:	140	342.800	353.470
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	340.000	350.000
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	2.800	3.470
Тайёр маҳсулот (2800)	170		
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	1.083.000	1.052.000
Шундан: муддати ўтган	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220	1.083.000	1.052.000
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнақлар (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнақлар (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400)	270	418.000	370.000
Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	12.900	18.900
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	130.402	169.700
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	18.000	1.200
Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100)	340	102.000	135.000
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	10.400	5.000
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	2	26.500
Қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0	8.200
Бошқа жорий активлар (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+230+320+370+380)	390	1.987.102	1.970.270
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400	11.557.702	11.164.470
Пассив			
I. Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали (8300)	410	122.400	122.400
Қўшилган капитал (8400)	420	160.300	0
Резерв капитали (8500)	430	313.402	480.000
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440		
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	258.000	(122.800)
Мақсадли тушумлар (8800)	460	30.600	30.600
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470		
I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430+440+450+460+470)	480	884.702	510.200
II. Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	4.550.000	4.828.770
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500		
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520		
Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240)	540		

Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550		
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560		
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	4.550.000	4.828.770
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	600	6.123.000	5.825.500
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	6.119.600	5.824.500
Шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	3.360.000	4.450.000
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620		
Шўба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630		
Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640		
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)	650		
Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	3.400	1000
Олинган бўнаклар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	265.000	260.000
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	19.400	40.500
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710		
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	30.200	54.000
Қиска муддатли банк кредитлари (6810)	730		
Қиска муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	2.445.000	1.020.000
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	10.673.000	10.625.500
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	11.557.702	11.164.470

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, минг сўм

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
		Даромад лар (фойда)	Харажат лар (зарарлар)	Даромад лар (фойда)	Харажат лар (зарарлар)
1	2	3	4	5	6
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010	3.524.000	X	5.204.200	X
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннарихи	020	x	2.360.000	X	3.445.000
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030	1.164.000		1.759.200	
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:	040	x	1.171.600	X	2.040.000
Сотиш харажатлари	050	x	41.000	X	80.000
Маъмурий харажатлар	060	x	160.000	X	556.000
Бошқа операцион харажатлар	070	x	970.600	X	1.404.000
Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари	080	x		X	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	520.000	x	1.200.000	X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	512.400		919.200	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:	110	15.500	x	5.040	X
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		x		X
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	15.500	x	5.040	X
Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар	140		x		X
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		x		X
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		X
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:	170	x	650	X	13.500
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	x	650	X	13.500
Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	x		X	
Валюта курси фаркидан зарарлар	200	x		X	
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	x		X	
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)	220	527.250		910.740	
Фавқуллоддаги фойда ва зарарлар	230				
Даромад (фойда) солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)	240	527.250		910.740	
Даромад (фойда) солиғи	250	x	269.250	X	1.033.540
Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар	260	x		X	
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)	270	258.000			122.800

“Сут-қаймоқ” ОАЖни айланма-сальдо баланси, минг сўм

Счет коди	Ҳисобот даври бошидаги сальдо		Ҳисобот давридаги айланма		Ҳисобот даври охиридаги сальдо	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
0100	1.928.000	0	7.628.800	206.800	9.350.000	0
0200	0	420.000	0	213.000	0	633.000
0610	45.200	0	4.700	0	49.900	0
0800	7.960.000	0	48.000	7.628.800	379.200	0
1000	340.000	0	552.000	542.000	350.000	0
2500	66.300	0	680.000	1.050.430	0	46.130
4000	1.083.000	0	2.380.000	2.411.000	1.052.000	0
4400	418.000	0	260.000	308.000	370.000	0
5000	18.000	0	1.620.000	1.636.800	1200	0
5100	102.000	0	2.900.500	2.867.500	135.000	0
5200	10.400	0	445.000	450.400	5.000	0
5700	2	0	1.260.000	1.233.502	26.500	0
6000	0	3.360.000	2.870.000	3.960.000	0	4.450.000
6250	3.400	0	80.400	82.800	1000	0
6400	0	265.000	1.220.800	1.215.800	0	260.000
6520	0	19.400	157.000	178.100	0	40.500
6700	0	30.200	235.000	258.800	0	54.000
6900	0	2.445.000	2.600.000	1.175.000	0	1.020.000
7810	0	4.550.000	230.000	508.770	0	4.828.770
8300	0	122.400	0	0	0	122.400
8400	0	160.300	160.300	0	0	0
8500	0	313.402	0	166.598	0	480.000
8700	0	258.000	481.000	100.200	122.800	0
8800	0	30.600	0	0	0	30.600
9000	0	0	4.080.000	4.080.000	0	0
9300	0	0	1.450.000	1.450.000	0	0
9400	0	0	2.040.000	2.040.000	0	0
9900	0	0	2.150.000	1.769.200	0	0
Итого:	11.974.302	11.974.302	35.533.500	35.533.500	11.965.400	11.965.400

“Сут-қаймоқ” ОАЖнинг ишлаб чиқариш фаолиятига хос хусусиятлар ва берилган маълумотларга таяниб муҳимлилик даражасини ҳисоблаш учун базавий кўрсаткичларни танланг.

Муҳимлилик даражасини ҳисоблашда қуйидаги базавий кўрсаткичлар ва уларнинг солиштирма улушлари тавсия этилади:

- корхонанинг баланс фойдаси - 5%;
- маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум - 2%;
- баланс валютаси - 2%;
- ўз маблағлари манбалари - 10%;
- корхонанинг умумий харажатлари - 2%.

Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаш учун 5.11.4 – жадвалдан фойдаланинг.

“Сут-қаймоқ” ОАЖнинг муҳимлилик даражасини ҳисоблаш

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган миқдорлар, минг сўм
1	2	3	4

Баланс структурасини таҳлил қилинг ва баланс валютасида энг катта солиштирма улушига тенг бўлган актив ва пассив моддаларини аниқланг. Таҳлил натижасини 5.11.5 ва 5.11.6 – сонли жадвалларда акс эттиринг.

“Сут-қаймоқ” ОАЖни муҳимлилик даражаси кўрсаткичларининг баланс активи структурасига пропорционал равишда тақсимланиши

Баланс активининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4

“Сут-қаймоқ” ОАЖни муҳимлилик даражаси кўрсаткичларининг баланс пассиви структурасига пропорционал равишда тақсимланиши

Баланс пассивининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4

Муҳимлилик даражаси кўрсаткичини танлаб олинган счетларнинг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимланг ва натижасини 5.11.7 ва 5.11.8 – сонли жадвалларда акс эттиринг.

Муҳимлилик даражасининг ягона кўрсаткичини баланс активи моддаларининг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимланиши

Баланс активи моддаси	Счет коди	Дт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм	Кт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8

Муҳимлилик даражасининг ягона кўрсаткичини баланс пассиви моддаларининг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимланиши

Баланс пассиви моддаси	Счет коди	Дт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм	Кт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8

6 – МАВЗУ: ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ ВА УНИ БАҲОЛАШ УСЛУБЛАРИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

6.1. Ички ва ташқи аудит орасидаги фарққа қандай шарҳ берса бўлади:

- а) ташқи аудитор юридик шахс сифатида фаолият олиб боради, ички аудитор эса жисмоний шахс сифатида ташкилот штатида бўлади;
- б) ички аудит хизмати ташкилот раҳбариятининг қарорига биноан тузилади, ташқи аудиторлик ташкилоти эса қонунчиликда белгиланган тартибда;
- в) ташқи аудитор мажбурий равишда САР сертификатига эга бўлиши шарт, ички аудитор эса йўқ;
- г) ташқи аудитор кўп корхоналарни текшириши мумкин, ички аудитор эса фақат битта корхонани текширади.

6.2. Аудитор керакли назорат воситаларига таянган ҳолда аудиторлик тадбирларини қандай ташкил этиши мумкин:

- а) текширувни камроқ деталлаштириши ва камроқ танлов ўтказиши мумкин;
- б) текширувни кўпроқ деталлаштириши ва кўпроқ танлов ўтказиши мумкин;
- в) текширувни камроқ деталлаштириши ва кўпроқ танлов ўтказиши мумкин;
- г) тўғри жавоб йўқ.

6.3. Ички назорат тизими самарадорлигини ва ишончлигини баҳолашда аудитор ишлатишга мажбур:

- а) камида икки градацияни (юқори ва паст);
- б) камида учта градацияни (юқори, ўрта ва паст);
- в) камида тўртта градацияни (юқори, ўртадан юқори, ўртадан паст, паст);
- г) градацияни ишлатмайди.

6.4. Ички назорат тизими ўз ичига олиши керак:

- а) бухгалтерия ҳисобининг ишончли тизимини, назорат муҳити ва назорат воситаларини;
- б) ички назорат объектларини, ички назорат субъектларини, жавоб олиш каналини;
- в) ташкилий тузилмани, бухгалтерлик ҳисоби тизими ва назорат воситалари;
- г) ички аудит хизматини, мансаб йўриқномалари ва доимий тафтишларни.

6.5. Ички аудит хизмати томонидан қандай текширув ўтказилади:

- а) навбатдаги;
- б) жорий;
- в) дастлабки;
- г) аудиторлик.

6.6. Ички аудит, бу:

- а) ички хўжалик жорий назорати;
- б) ички хўжалик дастлабки назорати;
- в) ички идоравий дастлабки назорат;
- г) ички идоравий кейинги назорат.

7 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АУДИТОРЛИК ТАДБИРЛАРИ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

7.1. Қуйида кўрсатилган тадбирларнинг қайси бири аудиторга хўжалик субъектининг ускуналарга бўлган эгалик ҳуқуқини аниқ далиллаб беради?

- а) ускуналарнинг амалда бор эканини текшириш;
- б) ускуналарнинг сотувчисидан ёзма тасдиқ хатини олиш;
- в) ускуналарни сотиб олиш тўғрисидаги шартномалар ва ускуналарнинг техник паспортларини текшириш;
- г) хўжалик субъектининг ходимларидан ёзма ахборот олиш.

7.2. Санаб ўтилган далилларнинг қайси бири олинган тақдирда энг ишончли ҳисобланади?

- а) учинчи шахслардан;
- б) ташқи маълумотларга асосан мижозлардан;
- в) ички маълумотларга асосан мижозлардан;
- г) аудиторнинг ўзи томонидан хўжалик субъектининг бухгалтерлик ёзувларига асосан олинган.

7.3. Санаб ўтилган далилларнинг қайси бири дебиторлик қарзларининг ҳақиқийлигини текширишда энг ишончли ҳисобланади?

- а) етказиб берувчининг оғзаки тасдиғи орқали олинган;
- б) мижоз ҳисобланган хўжалик субъектини бош бухгалтеридан олинган;
- в) ҳисоб-китобларни инвентаризация қилишдан олинган;
- г) харидор томонидан ёзма равишда тасдиқланган маълумот.

7.4. Қуйида санаб ўтилган далилларнинг қайси бири товар қолдиқларини тасдиқлашда энг ишончли ҳисобланади?

- а) инвентаризация ёзувлари;
- б) 2900 -“Товарлар” счёти бўйича сальдо ведомости;
- в) баланс ҳисоботидаги маълумотлар;
- г) товарлар ҳаракати тўғрисидаги товар ҳисоботи.

7.5. Аудитор олдида операция харажатларнинг корхона балансида тўла акс этганини текшириш вазифаси қўйилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун далилларнинг қайси манбаларидан фойдаланиш мумкин?

- а) асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилгани тўғрисидаги далолатнома;
- б) бошқа корхоналарнинг устав капиталидаги иштироки билан боғлиқ харажатларнинг ҳужжат билан тасдиқланиши;
- в) 9900-“Фойдалар ва зарарлар” счётига аналитик ва синтетик маълумотлар;
- г) хўжалик субъектининг бош бухгалтери тайёрлаган ёзма ҳисобот.

7.6. Санаб ўтилган далилларнинг қайси бири 5000 - “Касса” счёти сальдосининг ҳақиқийлигини аниқлаш учун ишончли ҳисобланади?

- а) кассирнинг ҳисоботи;
- б) касса китоби;
- в) № 1 журнал-ордер;
- г) кассада ўтказилган инвентаризация далолатномаси.

7.7. Аудиторлик далилларини олишнинг қайси усуллари миждознинг ҳужжатларида акс этган нотипик модда ва ҳодисаларни ўрганишга имкон беради:

- а) қайта ҳисоб;
- б) кузатиш;
- в) тасдиқлаш;
- г) таҳлил.

7.8. Аудиторлик далилларини олишнинг қайси усули ҳўжалик операцияларининг бухгалтерлик ҳисобида тўғри акс этишини ушбу операцияларни бажариш ҳаққоний ва мақсадга мувофиқ эканини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларгача кузатишга имкон беради?

- а) бирламчи ҳужжатларни текшириш;
- б) кузатиш;
- в) алоҳида ҳўжалик операцияларини ҳисобга олиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш;
- г) тасдиқлаш.

7.9. Хўжалик субъекти текширув ўтказиш учун ҳужжатларни аудиторга топширди. Ҳужжатлар кимнинг мулки ҳисобланади?

- а) ҳўжалик субъектиники;
- б) аудиторники;
- в) аудиторлик ташкилотиники;
- г) тўғри жавоб йўқ.

7.10. Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари ҳўжалик субъектидан ёки бошқа шахслардан олинган бўлиши мумкинми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) тўғри жавоб йўқ;
- г) бундай ҳужжатларни кераги йўқ.

7.11. Аудиторлик ташкилоти солиқ органларига ўзининг ишчи ҳужжатларини тақдим этишга мажбурми?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) ҳўжалик субъектини ҳоҳишига кўра;
- г) солиқ органини талаб этган ҳолда.

7.12. Аудиторнинг ишчи ҳужжатлари аудиторлик ташкилоти архивида қанча вақт мобайнида сақланиши мумкин?

- а) камида 1 йил;
- б) камида 3 йил;
- в) камида 5 йил;
- г) камида 7 йил.

7.13. Аудитор ўзининг ишчи ҳужжатлари таркибига корхона ҳужжатларининг нусхаларини киритмоқчи. Бунинг учун миждознинг розилиги талаб этиладими?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) ҳужжатларнинг асл нусхасини киритиш лозим;
- г) тўғри жавоб йўқ.

7.14. Аудиторнинг ишчи ҳужжатларидаги маълумотлар махфий ҳисобланадими?

- а) ҳа;
- б) йўқ;
- в) бу масала аудиторга боғлиқ;
- г) тўғри жавоб йўқ.

7.15. Аудиторнинг ишчи ҳужжатларига рақам бериш тартиби ва ҳужжатлар тузиш тизими ким томонидан белгиланади?

- а) аудиторлик ташкилоти томонидан;
- б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;
- в) статистика органлари томонидан;
- г) аудиторларнинг профессионал жамоат ташкилотлари томонидан.

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

7.1 - Масала

Аудитор текширув ўтказгандан кейин ҳисоб кўрсаткичларининг тўғрилигини исботловчи ва тўрт гуруҳга бўлинган маълумотларга эга бўлди. Улар:

- 1) моддий-ишлаб чиқариш заҳираларининг инвентаризация ёзувлари;
- 2) бирламчи ҳужжатлар, 1500 - “Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счетлар” ва 1600 - “Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счетлар” бўйича аналитик ва синтетик ҳисоблар рўйхати;
- 3) бирламчи ҳужжатлар, 6000 - “Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар” бўйича аналитик ва синтетик ҳисоблар рўйхати;
- 4) ўтказилган аудиторлик текшируви натижасида олинган, мол етказиб берувчилар билан тузилган солиштирув далолатномалари.

Талаб этилади:

Далилларни ишончлилик даражасига кўра ажратинг.

7.2 - Масала

Аудитор текширув ўтказгандан кейин қуйидаги манбалардан олинган ҳужжатларга эга бўлди:

- 1) аудитор томонидан ҳисоб тўғри олиб борилгани текширилиши натижасида тўпланган ҳужжатлар;
- 2) учинчи шахслардан олинган ёзма тасдиқлар;
- 3) мижозлардан ички маълумотлар асосида олинган оғзаки тасдиқлар;
- 4) мижозлардан ташқи маълумотлар асосида олинган оғзаки тасдиқлар.

Талаб этилади:

Ушбу далилларни ишончлилик даражасига кўра ажратинг.

7.3 - Масала

Бухгалтерлик ҳисоби бўйича ўқув машғулоти олиб бораётган фирма ўз ходимини иш натижаларини яхшилаш ва унинг малакасини ошириш учун ўқитди. Фирма раҳбарияти аудиторга ўз ходимини ўқитиш билан боғлиқ чиқимларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этди.

Талаб этилади:

1. Ўқитиш таннари тўғри ҳисобланганини тасдиқловчи ёки инкор этувчи далилларни кўрсатинг;
2. Учинчи шахслардан олинган бухгалтерлик ҳисобларида акс эттирилган чиқимларнинг тўғрилигини тасдиқловчи ёзма маълумотни кўрсатинг.

7.4 - Масала

Аудиторлик ташкилоти “Лола” ишлаб чиқариш корхонасида текширув ўтказиб, қуйидаги далилларга эга бўлди:

- 1) аудитор иштирокида ўтказиладиган мулк инвентаризацияси далолатномаси;
- 2) маҳсулот сотувидан тушган тушумнинг корхона режа бўлими томонидан тайёрланган таҳлили;
- 3) таъсис ҳужжати ва таъсисчилар киритган мулкнинг мустақил баҳоловчилар томонидан тасдиқланган баҳолаш далолатномаси.

Талаб этилади:

Далилларни ишончлилик даражасига кўра ажратинг.

7.5 - Масала

Аудиторлик ташкилоти тикув фабрикасида текширув ўтказди. Аудиторнинг илтимоси билан фабрика раҳбари ўтказилган инвентаризация тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни тақдим қилди:

- 1) омбор мудирининг билан моддий жавобгарлик тўғрисида имзоланган шартнома;
- 2) тайёр маҳсулот камомати инвентаризация ведомостида, шунингдек, бухгалтерлик ҳисоби бўйича табиий камбағил сабабли юзага келган камбағил сифатида акс эттирилган ва қонунчиликда асосланмаган ҳолда катта ҳажмда ҳисобдан чиқарилган;
- 3) тайёр маҳсулот ҳисоби карточкаларида жорий санага ишлаб чиқаришдан келиб тушган маҳсулотлар акс эттирилмапти;
- 4) бухгалтер инвентаризация натижаларининг бухгалтерлик ҳисоби маълумотлари билан солиштирилган.

Талаб этилади:

Аудитор нимага алоҳида эътибор бериши зарур?

7.6 - Масала

Аудиторлик текшируви вақтида аудитор қуйидаги тадбирларни амалга оширди:

- 1) асосий восита объектларининг техник паспортлари мавжудлиги текшириш;
- 2) асосий восита объектларининг харид ҳужжатлари ва ишга тушириш далолатномаларининг текшириш;
- 3) асосий воситалар инвентаризациясини ўтказиш;
- 4) ускуналар ва бошқа асосий восита объектлари сотувчиларидан оғзаки тасдиқ олиш.

Талаб этилади:

Юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг қайси бири аудиторга корхонанинг асосий восита объектларига бўлган эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишга имкон беради?

7.7 - Масала

Аудитор текширув жараёнида қуйидаги тадбирларни ўтказди:

- 1) бошқа корхоналарда сақланаётган материаллар 1000 - “Материаллар” счётига тўғри киритилганини текшириш;
- 2) инвентаризация ўтказилаётганда олинган маълумотларни 1000 - “Материаллар” счёти бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари билан таққослаш;
- 3) ноликвид материаллар ҳисоби тўғри олиб борилганини текшириш;
- 4) ишлаб чиқариш заҳираларининг жорий ҳисоб ва инвентаризация ведомости маълумотлари бўйича тўла ва тўғри кодлаштирилганини текшириш.

Талаб этилади:

Келтирилган тадбирларнинг қайси бири материалларни арзонлаштириш учун аниқроқ маълумот беради?

7.8 - Масала

“Аудитни ҳужжатлаштириш” номли 6 сонли аудиторлик миллий стандарти талабларининг ҳисобга олган ҳолда аудиторнинг ишчи ҳужжатининг, корхонанинг материаллар бўйича ҳисоботининг текшириш натижаларининг, лойиҳалаштириш талаб этилади. Ҳужжатда қуйидагиларни кўзда тутиш зарур:

- 1) керакли ёзувларни тез топиш имконияти;
- 2) сон ва сифат кўринишидаги камчиликларни акс эттириш;
- 3) камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.

7.9 - Масала

“Аудитни ҳужжатлаштириш” номли 6 сонли аудиторлик миллий стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш заҳиралари ҳисоби бўйича бирламчи ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилганини текшириш натижаларига кўра аудиторнинг ишчи ҳужжатини лойиҳалаштириш талаб этилади. Ушбу масалани ечишда 7.8 - масала талабларига риоя қилиш зарур.

7.10 - Масала

“Аудитни ҳужжатлаштириш” номли 6 сонли аудиторлик миллий стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб рақами бўйича операцияларни текшириш натижаларига кўра аудиторнинг ишчи ҳужжатини лойиҳалаштириш талаб этилади. Ушбу масалани ечишда 7.8 - масала талабларига риоя қилиш зарур.

7.11 - Масала

“Аудитни ҳужжатлаштириш” номли 6 сонли аудиторлик миллий стандарти талабларини ҳисобга олган ҳолда номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш тўғри бажарилганини текшириш натижаларига кўра аудиторнинг ишчи ҳужжатини лойиҳалаштириш талаб этилади. Ушбу масалани ечишда 7.8 - масала талабларига риоя қилиш зарур.

8 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ ВА ХУЛОСАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

ТЕСТ САВОЛЛАРИ:

8.1. Хўжалик субъектининг бухгалтерлик ҳисоботи бўйича тайёрланган аудиторлик ҳулосаси, бу:

- а) солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланганлиги ва ўз вақтида тўланганлиги тўғрисидаги ҳисобот;
- б) бухгалтерлик ва статистика ҳисоботларининг ишончлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри;
- в) бухгалтерлик ва статистика ҳисоботлари кўрсаткичларининг тўғри ҳисобланганлигига кафолатдир;
- г) амалдаги қонунчилик талабларидан муҳим четланишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.

8.2. Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми, бу:

- а) бюджетга солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисобланганлиги тўғрисидаги ҳисобот;
- б) аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар;
- в) ички назорат тизими ҳолатини текшириш натижалари ҳақида ҳисобот;
- г) хўжалик субъектининг ички назорат тизими, бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи ҳолатини текширишнинг умумий натижалари тўғрисида ҳисобот.

8.3. Аудиторлик ҳулосаси кимга тақдим этилади:

- а) хўжалик субъектининг сармоядорларига;
- б) солиқ инспекциясига;
- в) хўжалик субъектининг раҳбариятига;
- г) хўжалик субъектининг акциядорларига.

8.4. Аудиторлик ҳулосасининг ҳулосавий қисми, бу:

- а) аудиторлик ташкилотининг хўжалик субъектини бухгалтерлик ҳисоботининг ишончлиги тўғрисидаги фикри;
- б) хўжалик субъекти фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар рўйхати;
- в) хўжалик субъекти фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги тавсиялар;
- г) аудиторлик текширувини ўтказган аудиторларнинг имзоси.

8.5. Аудиторлик ҳулосасини қачон имзолаш мумкин:

- а) хўжалик субъектининг бухгалтерлик ҳисоботи тасдиқлангандан сўнг;
- б) ҳисобот йили натижалари бўйича барча солиқ ва мажбурий тўловлар тўлангандан сўнг;
- в) хўжалик субъектининг бухгалтерлик ҳисоботи солиқ инспекциясига топширилгандан сўнг;
- г) жорий йилнинг май ойигача.

8.6. Аудиторлик ҳисоботи кимга тақдим этилади:

- а) хўжалик субъектининг акциядорларига;
- б) солиқ инспекциясига;
- в) хўжалик субъектининг раҳбариятига;
- г) хўжалик субъектининг сармоядорларига.

8.7. Аудиторлик ҳисоботини кимлар имзолайди:

- а) аудиторлик текширувини ўтказган гуруҳнинг барча аъзолари;
- б) аудиторлар ва аудиторлик ташкилоти раҳбари;

- в) аудиторлар ва ҳўжалик субъектининг раҳбари;
- г) аудиторлар ва аудиторлик текшируви раҳбари.

8.8. Хўжалик субъектининг бухгалтерлик ҳисоботи тўғрисидаги аудиторнинг фикри нимага асосан шаклланади:

- а) миғоз томонидан берилган оғзаки ахборотга;
- б) миғоз фаолияти тўғрисида очик манбалардан олинган ахборотга;
- в) миғознинг хўжалик фаолияти ва бухгалтерия ҳисобининг услубиятини тушунишдан;
- г) миғознинг ўтган ҳисобот даври бўйича аудиторлик текшируви тавсияларига.

ЖАВОБЛАР ВА ЕЧИМЛАР

ҚИСМ 1. АУДИТ АСОСЛАРИ

1 - МАВЗУ: АУДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	В	11	Б
2	В	12	А
3	А	13	Г
4	Б	14	Б, Г
5	В	15	Б
6	В	16	Б
7	А	17	Б
8	В	18	Б
9	А	19	В
10	А	20	Г

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

1.1 - Масала

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10 моддасига кўра акциядорлик жамияти қонунчилиқда белгиланган тартибда тегишли давлат реестридан чиқарилса, бу корхонада мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилмайди.
2. Корхонанинг ягона солиқ тизимида ўтиши, асосан, унинг мулкчилик шаклига эмас, балки асосий фаолият йўналишига боғлиқдир.

1.2 - Масала

1. Йўқ, мумкин эмас. Чунки аудиторлик ташкилоти қисман бўлса ҳам корхонанинг жорий йилдаги бухгалтерлик ҳисобини тиклаб берган.
2. Йўқ, сабаби 1 пунктда кўрсатилган.
3. Йўқ, сабаби 1 пунктда кўрсатилган.

1.3 - Масала

1. Йўқ, чунки “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда кўзда тутилмаган.
2. Молиявий натижалар тўғрисидаги (2 шакл) ҳисоботни тегишли солиқ идораларига топшириш шарт. Ҳисобот тўлдирилмаса ҳам.

1.4 - Масала

Ҳа. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10 моддасига биноан.

1.5 - Масала

1. Ҳа. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10 моддасига биноан.
2. Текширув ўтказувчи аудиторлик ташкилоти юқори даражадаги тегишли лицензияга эга бўлиши даркор.

1.6 - Масала

1. Аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини талаб этиш банкнинг ички кредит сиёсатига асосланган бўлиб, унинг бунга ҳуқуқи банк қонунчилигида белгилаб берилган.
2. Бундай ҳол банкнинг ички кредит сиёсатига зиддир. Бундан ташқари солиқ инспекциясининг ҳужжатли текширув далолатномаси фақат бюджет билан солиқ ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар тўғри олиб борилганини қайд этади.
3. Ҳулоса бериши мумкин эмас. Бунинг учун аудиторлик ташкилоти корхонанинг барча бирламчи ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоботларини текшириб чиқиши лозим.

2 - МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ҲУҚУҚИЙ МУВОФИҚЛАШТИРИЛИШИ

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	А	11	В
2	Б, Г	12	В
3	А	13	Б
4	Б, В	14	В
5	Б, Г	15	В
6	Б	16	Г
7	А, Б	17	В, Г
8	В	18	Б
9	А	19	Б
10	Б	20	А, В

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

2.1 - Масала

Бу вазиятда аудиторлик гуруҳи раҳбари бир нечта хатоларга йўл қўйган:

- 1) аудитор касса интизоми қонунчилик асосида қатъий мувофиқлаштирилишини билиши керак эди. Шунинг учун корхонага ҳатто кичик хатоларга йўл қўйилганда ҳам жарима солиниши мумкин. Демак, текширув олиб бориш топширилган аудитор ёрдамчиси қанчалик тажрибали ва касса интизоми масаласидаги малакасини олдиндан ҳисобга олиш керак эди.
- 2) аудитор ўз ёрдамчисининг сўзига ишонмасдан, унинг бажарган ишларини текшириши керак эди. Бундай текширув орқали касса интизоми бузилаётганини аниқлаш мумкин бўлар эди. Бу эса ўз навбатида, аудит бўйича бажарилган барча ишларни акс эттирувчи ишчи ҳужжатларининг муҳимлиги тўғрисида гувоҳлик беради.

2.2 - Масала

Янги аудиторлик ташкилоти бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал баъзи бир масалаларни аниқлаштириши зарур:

1. Корхона нима сабабдан ўз аудитори билан тузилган шартномани бекор қилди?
2. Аудиторлик ташкилоти ушбу миқдори танлаш ёки танламаслик тўғрисида хулосага келиши зарур. Бунинг учун қуйидаги ишларни бажариши лозим:
 - корхонанинг молиявий аҳволи билан танишиши учун ўтган даврга тегишли молиявий ҳисоботни олиш;
 - миқдори танлаш аудиторлик ташкилотининг мустақиллигига қанчалик таъсир кўрсатишини баҳолаш;
 - манфаатлар зид келиб қолиш эҳтимолини таҳлил қилиш (масалан, корхонанинг йирик рақобатчиси ташкилотингизнинг миқдори бўлиши мумкин);
 - бўлажак миқдорнинг обрўси ва менежерларнинг ҳалоллигини баҳолаш учун учинчи шахслардан ахборот олиш.

2.3 - Масала

1. Ушбу вазиятнинг салбий томонлари:

Ушбу вазиятда аудитор ва миқдор ўртасидаги оралиқ йўқолган. Бир неча йиллик дўстона муносабатлар натижасида миқдор аудит хулосаларини енгиллатиш мақсадида аудиторга таъсир кўрсатиши мумкин. Аудитор яхши муносабатларни йўқотмаслик учун миқдорнинг таъсирига берилиши, унинг илтимосини рад этмаслиги мумкин. Бошқа ходимлар эса ҳар йили битта нарсани текшираверганликлари учун навбатдаги текширувни ўтган йилги текширувга асосланиб, енгил-елпи ўтказадилар.

Ушбу вазиятнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- йиллик ҳисоботни текшириш муддатларини қисқариши;
- аудиторлар мижознинг муаммоларини яхши билганлари учун алоҳида эътибор талаб қиладиган иш участкаларини осон топадилар;
- хатоларнинг топилмай қолиш эҳтимоли ва текширув натижасида нотўғри ва хато хулосалар бериш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

2. Юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида аудиторлик ташкилоти ушбу корхонага бошқа бир аудиторлар гуруҳини юбориши ёки бўлмаса, эски аудиторлик гуруҳи раҳбарини алмаштирган ҳолда гуруҳ аъзоларининг иш вазифасини янгилаши лозим.

3. Аудиторлик ташкилоти “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Қонунга мувофиқ корхонанинг молиявий фаолиятини кейинги йил текширишга ҳаққи йўқ. Чунки кейинги йилда корхонанинг молиявий фаолияти 3 йилдан ортиқ равишда бетиним текширилган бўлади.

2.4 - Масала

1. Аудиторлик ташкилоти корхонанинг ушбу йилдаги молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувини ўтказишдан бошқа “Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги” Қонуннинг 17 моддасида кўрсатилган хизматларни таклиф этиши мумкин.

2. Агарда аудиторлик ташкилоти ўз хизматини жорий йилда якунласа, ушбу корхонанинг кейинги йилги молиявий ҳисоботларини текшириши мумкин.

2.5 - Масала

Бундай ҳолат аудиторлик ташкилотини ўз вазифасини бажаришига халақит беради. Аудиторлик ташкилоти ўз номидан дебитор бўлган ташкилотларга хат юбориши лозим ва муддати ўтган дебиторлик қарзларини балансдан чиқаришни корхонага тавсия этиши керак.

2.6 - Масала

Аудиторлик ташкилоти амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк аудити ўтказиш учун тегишли лицензияга ҳамда банк аудити соҳасида сертификат олган камида битта мутахассисга эга бўлиши зарур. Шунинг учун аудиторлик ташкилоти тижорат банки таклифини рад этиши керак.

2.7 - Масала

Аудиторлик ташкилоти сифатли хизмат кўрсатиш учун ушбу корхона фаолияти билан таниш бўлган тажрибали ва билимли мутахассисларга эга бўлиши керак. Агар аудиторлик ташкилоти ходимлари орасида ушбу соҳа мутахассислари бўлмаса, корхона таклифини қабул қилмаслиги лозим. Акс ҳолда кўрсатилган хизмат аудиторлик ташкилотининг сифат стандартларига жавоб бера олмайди.

2.8 - Масала

Бундай ҳолат аниқланганда аудиторлик ташкилоти шу ҳақда хўжалик субъектининг раҳбарига ёзма ахборот бериши лозим ва ушбу ҳолатни ўзининг аудиторлик ҳисоботида қайд этиши даркор.

2.9 - Масала

Аудитор шахсий суҳбат асосида олинган маълумотга таянмаслиги керак. Шунинг учун ёрдамчи материаллар омборхонасида инвентаризация ўтказиш лозим. Бу тадбир аудиторга ишончли маълумот тўплашга ёрдам беради.

2.10 - Масала

1. Аудиторлик ташкилоти бундай хизматни кўрсатиши мумкин.
2. Келажакда аудиторлик ташкилоти “Зиёли” корхонасига аудиторлик хизматини кўрсатиши мумкин. Чунки корхонанинг ўзига бевосита хизмат кўрсатгани йўқ.

3 – МАВЗУ: АУДИТОРНИНГ КАСБ ЭТИКАСИ

Тест рақами	Тест жавоби
1	Б
2	А
3	Г
4	Б
5	В

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

3.1 - Масала

1. Бу ҳолда аудитор ўзи дуч келган муаммо қайси корхонага тегишли эканлигини айтмаган бўлса шартнома талаблари бузилмаган бўлади.
2. Аудитор ушбу муаммони ўзи билан ишлаётган бошқа аудитор билан муҳокама қилиши мумкин.
3. Аудитор бундай ҳолларда ўзининг гуруҳ раҳбарига, сўнгра эса аудиторлик ташкилоти раҳбарига мурожаат қилиши лозим. Ташкилот раҳбари керак бўлса тегишли мутахассислардан белгиланган тартибда маслаҳат хизмати олади.

3.2 - Масала

Ҳар эҳтимолга қарши курьернинг хизмат вазифаларини текшириб кўради. Аудиторлик касбининг асосий талаби мустақиллик ва ҳолислиқдир. Аудиторлардан бирининг қариндоши бухгалтерлик ҳисоби ва бухгалтерлик (молиявий) ҳисобот тайёрлашга алоқадор бўлмагани учун ушбу қоидалар бузилмайди.

3.3 - Масала

Аудитор ўз миқдорининг ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ таваккалчиликни қабул қилишга, масалан, кафолат бериш ва уни тасдиқлашга ҳақли эмас. Бу ҳолда аудиторнинг мустақиллиги ва ҳолислик макomini йўқотиш хавфи юзага келади.

3.4 - Масала

1. “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 7 моддасига асосан аудиторлик ташкилотининг инвестицион фаолият билан шуғулланишига рухсат берилмайди.
2. Одатда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартномаларда аудиторлик ташкилотининг миқоздан олган маълумотларни ўз манфаати йўлида ишлатишга моёнелик қилувчи талаблар кўрсатилмайди.

3.5 - Масала

Бундай ҳолда аудиторлик ташкилоти ўз мижозига молиявий жиҳатдан боғланиб қолади. Текширув ўтказиш вақтида унинг натижаси муҳим бўлмаслиги керак, айниқса келтирилган ҳолатда: қарзни тўлаш албатта ижобий хулосага боғлиқ бўлганда. Аудиторлик ташкилоти бу мижоздан ўзига тегишли хизмат ҳақини қонунчиликда белгиланган тартибда ундиришини ва унга бошқа хизмат кўрсатмасликни тавсия этамиз.

3.6 - Масала

Аудитор мустақил равишда ва шахсан ўзи ҳар йили ҳар бир мижози бўйича текширув мақсадлари, аудит тадбирларини танлайди. Бу ерда мижоз ва аудитор ўртасида ҳеч қандай келишувнинг ўрни бўлиши мумкин эмас. Аудитор мижоз тақдим этган ахборотни текширув мақсадлари асосида ўрганиб чиқиши керак ва уни бутунлай кўчириб олмайди. Умуман олганда аудитор мижозининг илтимосига биноан баъзи бир ахборотни тайёрлаб бериши мумкин. Лекин бу ахборот ҳар томонлама текширилган бўлиши керак.

3.7 - Масала

Муаммо мижознинг аудиторлик ташкилоти билан молиявий муносабатга кириши билан боғлиқ. Бу эса аудиторнинг мустақиллигига хавф солади.

3.8 - Масала

1. Қонунчилик нормаларида аудиторлик ташкилотига ушбу хизматни кўрсатишга бирон бир тўсқинлик йўқ. Чунки аудиторлик ташкилоти ўз мижозига бу сафар профессионал хизмат кўрсатмоқда.
2. Аудиторлик ташкилоти 3 йил давомида аудиторлик текширувини ўтказгандан сўнг бир йил танаффус қилди. Ўзи маслаҳат хизматини кўрсатмаган йилдан ташқари кейинги йилда аудиторлик текширувини ўтказиши мумкин.

3.9 - Масала

Афсуски бундай ҳоллар аудит амалиётида учраб туради. Бундай хизматни кўрсатиш бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг тўғрилигини тасдиқлашда аудиторнинг ҳолислигига салбий таъсир кўрсатади. Аудиторнинг хулосаси мавжуд ахборотни объектив равишда таҳлил қилиш орқали қабул қилиниши керак. Унинг натижаси шартнома асосида олинадиган суммага ёки мижоз томонидан қўйилган талабни бажарилишига боғлиқ бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда аудиторлик ташкилотини ҳолислиги шубҳа остида қолади.

3.10 - Масала

Ушбу ҳолатда аудиторлик ташкилотининг ўзи ва унинг аудиторлари солиқ қонунчилигини бузганлар. Овқат ва ётоқ пули аудиторлик ташкилоти ва аудиторлар учун даромад ҳисобланиб тегишли равишда даромад солиғига тортилиши керак. Хўжалик субъектининг олдида қонунни бузган аудиторлик ташкилотининг мавқеи, мустақиллиги ва ҳолислиги шубҳа остида бўлади.

3.11 - Масала

Аудиторлик ташкилоти лицензия талабларини бузмаган. Сабаби “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун талаблари аудитор томонидан бузилмаган.

3.12 - Масала

Аудиторларнинг этика тамойилларига биноан аудитор рекламадан фойдаланиши мумкин. Фақат у “Реклама тўғрисида”ги Қонун талаблари доирасида бўлиши шарт. Мисол учун реклама матнларида оладиган хизмат ҳақлари, бошқа аудиторларга нисбатан ўз малакасини солиштириш тўғри келмайди. Шунинг учун аудитор ўзининг реклама матнларини қайта кўриб чиқиши шарт.

3.13 - Масала

Аудитор ўзининг иктисод мавзусидаги мақолаларини чоп этиши мумкин. Лекин мақолалар матни ҳақида ўз мижозларини олдиндан огоҳлантириши керак. Агарда ушбу мақолаларда мижозининг фаолияти ҳақида сўз борса. Тижорат сири бизнеснинг муҳим ўзаги ҳисобланади. Шунинг учун аудитор мижозининг рухсатисиз у ҳақидаги маълумотларни ўз мақоласига киритмаслиги шарт.

3.14 - Масала

Бу ҳолатда аудит ўтказиш бўйича бирон бир муаммо юзага келмайди. Сабаби аудиторлар гуруҳи раҳбари йиллар бўйи ўзгармаса ҳам гуруҳ таркиби ўзгариб турибди. Шунинг учун аудитнинг объективлик ва мустақиллик тамойиллари бузилмаган.

3.15 - Масала

1. Аудиторнинг этика тамойиллари бузилмаган. Корхонанинг меҳмондўзлигини пора сифатида қабул қилмаслик керак. Бундай меҳмондўзлик аудитнинг холислиги, мустақиллиги ва объективлигига таъсир қўратмайди.
2. Аудитор маҳсулот сифатини шахсан ўзи текширишга ваколатли эмас. Бунинг учун аудитор тегишли мутахассисни ёки бўлмаса махсус лабораторияни таклиф этиши керак. Шу нуктаи назардан аудиторнинг этика тамойиллари бузилмаган ҳисобланади.

4 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	Б	6	Б
2	Б, Г	7	А, Б, В
3	Б	8	Г
4	Б	9	А, Г
5	А	10	А

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

4.1 – 4.4. – Масалалар

Жавоблар Иловаларда келтирилган.

4.5. – Масала

Хўжалик субъектининг раҳбарига қуйидаги мазмунда хат йўллаш тавсия этилади:
“Корхона филиалларини республиканинг турли ҳудудларида жойлашгани ва қўшимча иш ҳажми пайдо бўлганини эътиборга олиб, аудиторлик текшируви муддатларини ўзгартиришни сўраймиз”.

4.6. – Масала

Хўжалик субъектининг раҳбарига қуйидаги мазмунда хат йўллаш тавсия этилади:
“Товар омборхоналарида камомад аниқланганлиги сабабли омборхонада қайта инвентаризация ўтказиш лозим. Инвентаризацияни ўтказишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз”.

4.7. – Масала

Солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳат хизматини кўрсатиш.

4.8. – Масала

Солиққа тортиш мақсадларида харажатларни тўғри шаклланишини текшириш.

4.9. – Масала

Корхона фаолиятини иқтисодий таҳлили ва бизнесни ривожлантириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

4.10. – Масала

Бошқарув ҳисоби моделини ишлаб чиқиш ва бюджетлаштириш тизимини жорий этиш.

5 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ ДАВОМИДА МУҲИМЛИЛИК ВА ТАВАККАЛЧИЛИКНИ БАҲОЛАШ

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	А	11	А
2	Б	12	А
3	А	13	А
4	Б	14	Б
5	А	15	Б
6	А	16	Б
7	Б	17	А
8	А	18	Б
9	Б	19	А, Г
10	А	20	А

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

5.1 – Масала

Ишлаб чиқариш корхонасига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топамиз (5.1.1 – жадвал).

5.1.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар			
Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	32.100	10	3210
Баланс валютаси	292.000	2	5840
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	220.500	2	4410
Умумий харажатлар	96.400	2	1928
Соф фойда (даромад)	29.500	5	1475

Берилган кўрсаткичларнинг арифметик ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз:
 $(3210 + 5840 + 4410 + 1928 + 1475) / 5 = 16.863 / 5 = 3373.$

Ҳисоблаб топилган кўрсаткич билан базавий кўрсаткичларнинг тах ва min ларни қиёслаймиз:

$$(3373 - 1475) / 3373 = 56,3\%$$

$$(5840 - 3373) / 3373 = 73\%$$

Четланишлар 30% дан юқори бўлгани учун бу кўрсаткичлардан фойдаланмасдан, бошқа кўрсаткичларни ишлатамиз:
 $(3210 + 4410 + 1928) / 3 = 3183$.

Ҳисоблаб топган сонимиз “Муҳимлилик даражаси” ҳисобланади. Бу кўрсаткични юқори ёки паст сонга яхлитлашимиз мумкин, фақат четланиш 20% ортиқ бўлмаслиги лозим.

5.2 – Масала

Хусусий корхонага тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топамиз (5.2.1 – жадвал).

5.2.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	40.000	10	4000
Баланс валютаси	85.400	2	1708
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	180.000	2	3600
Умумий харажатлар	120.000	2	2400
Соф фойда (даромад)	53.600	5	2680

Берилган кўрсаткичларнинг арифметик ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз:
 $(4000 + 1708 + 3600 + 2400 + 2680) / 5 = 14388 / 5 = 2878$.

Ҳисоблаб топилган кўрсаткич билан базавий кўрсаткичларнинг тах ва min ларни қиёслаймиз:

$$(2878 - 1708) / 2878 = 40,6\%$$

$$(4000 - 2878) / 2878 = 38,9\%$$

Четланишлар 30% дан юқори бўлгани учун бу кўрсаткичлардан фойдаланмасдан, бошқа кўрсаткичларни ишлатамиз:
 $(3600 + 2400 + 2680) / 3 = 2893$.

Ҳисоблаб топган сонимиз “Муҳимлилик даражаси” ҳисобланади. Бу кўрсаткични юқори ёки паст сонга яхлитлашимиз мумкин, фақат четланиш 20% ортиқ бўлмаслиги лозим. Мисол учун муҳимлилик даражаси 2900 га тенг.

5.3 – Масала

Нодавлат нотижорат ташкилотига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топамиз (5.3.1 – жадвал).

5.3.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	38.000	10	3800
Баланс валютаси	235.000	2	4700
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	Ишлатилмайди	2	
Умумий харажатлар	150.000	2	3000
Соф фойда (даромад)	Ишлатилмайди	5	

Берилган кўрсаткичларнинг арифметик ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз:
 $(3800 + 4700 + 3000) / 3 = 11500 / 3 = 3833$.

Ҳисоблаб топган сонимиз “Муҳимлилик даражаси” ҳисобланади. Бу кўрсаткични юқори ёки паст сонга яхлитлашимиз мумкин, фақат четланиш 20% ортиқ бўлмаслиги лозим. Мисол учун муҳимлилик даражаси 3800 га тенг.

5.4 – Масала

Ёпиқ акциядорлик жамиятига тегишли маълумотларга асосан муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини ҳисоблаб топамиз.

5.4.1 - жадвал

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	11.000	10	1100
Баланс валютаси	15.050	2	301
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	24.200	2	484
Умумий харажатлар	1600	2	32
Соф фойда (даромад)	1880	5	94

Берилган кўрсаткичларнинг арифметик ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз:
 $(1100 + 301 + 484 + 32 + 94) / 5 = 2011 / 5 = 402$.

Ҳисоблаб топилган кўрсаткич билан базавий кўрсаткичларнинг тах ва min ларни киёслаймиз:

$$(402 - 32) / 402 = 92\%$$

$$(1100 - 402) / 402 = 173\%$$

Фарқ жуда катта. Четланишлар 30% дан юқори бўлгани учун бу кўрсаткичлардан фойдаланмасдан, бошқа кўрсаткичларни ишлатамиз:
 $(301 + 484 + 94) / 3 = 293$.

Ҳисоблаб топган сонимиз “Муҳимлилик даражаси” ҳисобланади. Бу кўрсаткични юқори ёки паст сонга яхлитлашимиз мумкин, фақат четланиш 20% ортиқ бўлмаслиги лозим. Мисол учун муҳимлилик даражаси 300 га тенг.

5.5 – Масала

“Лаззат” МЧЖ бўйича муҳимлилик даражасини ҳисоблаш учун базавий кўрсаткичларни танлаймиз ва ҳисоботдаги хатоликни мумкин бўлган чегарасини белгилаймиз. Бунинг учун корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш даркор.

Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини корхона баланси моддалари ўртасида унинг таркибига қараб пропорционал тартибда тақсимлаймиз.

Базавий кўрсаткичлар

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар, минг сўм
Корхонанинг ўз маблағлари	140.550	10	14.055
Баланс валютаси	242.680	2	4.854
Ҳисобот давридаги ялпи тушум	36.000	2	720
Умумий харажатлар	11.500	2	230
Соф фойда (даромад)	1000	5	50

Берилган кўрсаткичларнинг арифметик ўртача қийматини ҳисоблаб топамиз:
 $(14055 + 4854 + 720 + 230 + 50) / 5 = 19909 / 5 = 3982$.

Ҳисоблаб топилган кўрсаткич билан базавий кўрсаткичларнинг тах ва min ларни қиёслаймиз:

$$(3982 - 50) / 3982 = 98,7\%$$

$$(14055 - 3982) / 3982 = 253\%$$

Фарқ жуда катта. Четланишлар 30% дан юқори бўлгани учун бу кўрсаткичлардан фойдаланмасдан, бошқа кўрсаткичларни ишлатамиз:
 $(4854 + 720 + 230) / 3 = 1935$.

Ҳисоблаб топган сонимиз “Муҳимлилик даражаси” ҳисобланади. Бу кўрсаткични юқори ёки паст сонга яхлитлашимиз мумкин, фақат четланиш 20% ортиқ бўлмаслиги лозим.

Муҳимлилик даражаси - 1900 минг сўм.

Баланс валютаси - 242.680 минг сўм

Дебиторлик қарздорликнинг камайиши - 85 минг сўм

Кредиторлик қарздорликнинг камайиши - 215 минг сўм

Омборда аниқланган камомад - 28 минг сўм.

Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини баланс структурасига пропорционал равишда тақсимлаш

Баланс активининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштирма улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4
Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар	226.410	93,29	1772,5
Капитал қуйилмалар	300	0,12	2,3
Жорий активлар			
Товар-моддий захиралари, жами	3.400	1,40	26,6
Дебиторлар, жами	9.100	3,75	71,2
Пул маблағлари, жами	2.000	0,82	15,6
Бошқа жорий активлар	1.470	0,62	11,8
БАЛАНС АКТИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	242.680	100	1900

**Муҳимлилик даражасининг умумий кўрсаткичини баланс структурасига
пропорционал равишда тақсимлаш**

Баланс пассивининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштира улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4
Ўз маблағлари манбалари			
Устав капитали	90.000	37,08	704,52
Қўшилган капитал	37.500	15,45	293,55
Резерв капитали	4.900	2,01	38,19
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	8.150	3,36	63,84
Мажбуриятлар			
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами	2.180	0,92	17,48
Қисқа муддатли қарзлар	6.000	2,47	46,93
Бошқа кредиторлик қарзлар	93.950	38,71	735,49
БАЛАНС ПАССИВИ БЎЙИЧА, ЖАМИ	242.680	100	1900

“Лаззат” МЧЖнинг 2008 йилдаги молиявий – хўжалик фаолиятини натижалари бўйича ўтказилган аудиторлик текширувида қуйидаги камчиликлар аниқланган:

- бухгалтерия ҳисобида маҳсулот сотилишидан олинган тушум нотўғри шакллангани сабабли, харидорларнинг дебиторлик қарзлари 85.000 сўмга камайтириб кўрсатилган;
- маҳсулот етказиб берувчилар томонидан олинган ва тўланган счет-фактуралар ҳисоби тўлиқ олиб борилмагани натижасида кредиторлик қарзлари суммасини 215.000 сўмга камайтириш юз берган;
- “Лаззат” МЧЖнинг Ҳисоб сиёсатига тўғри келмайдиган хом ашёни ишлатиш нормативи қўллангани сабабли омборхонадаги хом ашёнинг қолдиғи 28.000 сўмга камайган.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хатолар таҳлил қилинди ва улар “Лаззат” МЧЖ бухгалтерлик ҳисоботларидаги энг юқори хатолик чегараларига солиштирилди.

Аудиторлик текшируви вақтида аниқланган хатоликни муҳимлилиги ҳақида хулоса ва аниқланган камчиликлар таҳлили 5.5.4 - сонли жадвалда акс эттирилган.

Аниқланган камчиликларни таҳлили

Камчиликлар аниқланган баланс моддалари	Сумма, минг сўм	Хатонинг энг юқори чегараси, минг сўм	Хатонинг ҳақиқий суммаси, минг сўм	Чекланишни ҳисоби, минг сўм
1	2	3	4	5
Дебиторлик қарзлар	9.100	71,2	85	- 13,8
Кредиторлик қарзлар	93.950	735,49	215	520,49
Товар захираси	3.400	26,6	28	- 1,4

Текширув вақтида аниқланган дебиторлик қарзи ва омбордаги камомад муҳим ҳисобланади, чунки уларнинг суммаси муҳимлилик даражасидан каттадир.

5.6 – Масала

Корхонанинг 2 йиллик ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти якунларининг таҳлили корхонада янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган маркетинг сиёсати бўйича таваккалчилик юқори эканлигини кўрсатди. Бир томондан олганда сотув ҳажми ва харидорлар сонини ошиши корхона фаолиятини ижобий таърифлайди. Лекин бу йўналишни

йил охиригача ўзгармаслигини, ҳатто тескарига қараб кетмаслигини ҳеч ким кафолатлай олмайди.

Ўтган йил давомида корхонада айланма маблағлар ҳажми 20%га ўсди. Бунга дебиторлик қарзларининг 30% га ўсгани сабаб бўлди. Дебиторлик қарзларнинг таркиби таҳлил этилганда қисқа муддатли қарзлар суммасини ўсгани ва узоқ муддатли қарзларни эса аксинча камайганини кўрамиз.

Маҳсулот таннархини ўсиш суръати (61%) соф фойдани ўсиш суръатидан (23,6%) каттадир. Ушбу ҳолатни юзага келтириши мумкин бўлган ҳолатларни таҳлил этиш ва улар таъсирини камайтириш тавсия қилинади.

5.7 – Масала

Текшириш вақтида “Дебиторлик қарзлари” ва “Заҳиралар” моддалари бўйича аниқланган хатоликлар муҳимлиликни энг юқори чегарасига яқин бўлгани учун жуда ҳам аҳамиятлидир. Баланснинг айланма маблағлар моддаси бўйича текширувни давом эттириш зарур. Корхона кассасида аниқланган камчилик муҳим аҳамиятга эга эмас.

5.7.1 – жадвал

Аниқланган хатонинг баланс моддасига бўлган таъсирини ҳисоблаш

Баланс моддалари	Баланс суммаси (минг сўмда)	“Жорий активлар” бўйича хатоликнинг энг юқори чегараси (минг сўм)				Текширувда аниқланган хато	Аниқланган хатонинг баланс моддасига таъсири, %
		мин чегара		тах чегара			
		%	сумма	%	сумма		
1	2	3	4	5	6	7	8
Дебиторлик қарзлари	8.000	5	400	10	800	800	10
Заҳиралар	12.000	5	600	10	1.200	600	10
Касса	500	5	25	10	50	10	2

5.8 – Масала

1. Корхона фаолиятида мавжуд бўлган таваккалчиликлар:

- хорижий капиталга боғлиқлик (40%);
- таъсисчиларнинг бирига ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи берилгани (корхона раҳбарияти 50% овоз берувчи улушга эга);
- мол етказиб берувчининг нарх сиёсати;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот асосан бир харидорга сотилиши (“Кийим кечак” ЁАЖ – 78%);
- бозор рақоботи;
- компьютерда бухгалтерия ҳисобини олиб боришга ўтиш.

2. Келтирилган маълумот аудиторлик таваккалчилигини баҳолашга етарли эмас. Чунки аудиторлик таваккалчилигини ташкил этувчилари бўйича маълумот йўқ. Яъни, бунинг учун на фақат корхона бизнеси билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни билиш керак, балки тадбиркорликка боғлиқ бўлган, ушбу корхона фаолияти, унинг ички назорат тизими, текширувга жалб этилган аудиторларнинг малакаси билан боғлиқ бўлган таваккалчиликни ўзига хос томонларини ҳам билиш керак бўлади.

3. Аудиторлик текшируви учун қуйидаги қўшимча маълумотларни сўраш мумкин: шўъба корхоналарини мавжудлиги, олдинги аудиторлик текширувларининг натижаси, бухгалтерия ходимларининг малака даражаси, ҳисоб регистрларининг компьютерда олиб бориш кўлами, корхонанинг ҳисоб сиёсатининг ўзига хос томонлари ва ҳ.к.з.

5.9 - Масала

Аудитор бажариши лозим бўлган ишлар:

1. Олдинги аудиторнинг ҳисоботи билан танишиб чиқиши ва қайси бўлимларда хатога йўл қўйилган бўлса, текширувни ушбу бўлимлардан бошлаши керак;
2. Ҳар бир бўлимлар бўйича ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаши зарур. Ҳисобот даврида янги ходим ишга қабул қилинган, бўш иш ўринлари бор ёки камчиликлар аниқланган бўлимларга айниқса алоҳида эътибор қаратиш лозим.
3. Моддий жавобгар шахслар билан моддий жавобгарлик бўйича шартномалар тузилганлигини текшириш;
4. Инвентаризация вақтида камомад ёки ортиқча мулк топилган бўлимларни аниқлаш;
5. Жуда ҳам қимматбаҳо ёки кенг истеъмол ёки кам сотиладиган товарларини сотиш билан шуғулланадиган бўлимларни аниқлаш;
6. Кўп вақтдан бери текширув ўтказилмаган бўлимларни аниқлаш.

5.10 - Масала

Аудиторлик текширувига хос бўлган таваккалчиликни ҳисоблаб топамиз:

$$а) AP = BXP * PK * Pno$$

$$AP = 0,7 * 0,45 * 0,15 = 0,047 = 4,7\%$$

$$б) Pno = AP / BXP * PK$$

$$Pno = 0,07 / 0,65 * 0,15 = 0,07 / 0,0975 = 0,718 = 71,8\%$$

5.11 - Масала

Берилган маълумотлар асосида таклиф этилган жадвалларни тўлдириб чиқамиз. Муҳимлиликни ягона кўрсаткичини ҳисоблаб топиш учун базавий кўрсаткичларни танлаймиз.

5.11.1 – жадвал

“Сут-қаймоқ” ОАЖнинг муҳимлилик даражасини ҳисоби

Базавий кўрсаткичларнинг номи	Базавий кўрсаткичнинг бухгалтерия баланс ҳисоботидаги миқдори, минг сўм	Солиштира улуши, %	Муҳимлилик даражасини аниқлашда ишлатиладиган миқдорлар, минг сўм
1	2	3	4
Соф фойда	--	5	--
Ялпи савдо ҳажми, ҚҚСсиз	3.524.000	2	70.480
Баланс валютаси	11.557.702	2	231.154
Ўз маблағлари	884.702	10	88.470
Умумий таннарх	2.360.000	2	47.200

Ушбу мавжуд бўлган 4 кўрсаткичнинг ўрта арифметик қийматини ҳисоблаб топамиз.
 $(70.480 + 231.154 + 88.470 + 47.200) / 4 = 109.326$

Ҳисоблаб топилган сонни базавий кўрсаткичларнинг максимал ва минимал қийматлари билан солиштирамиз.

$$(109.326 - 47.200) / 109.326 = 56,8\%$$

$$(231.154 - 109.326) / 109.326 = 111\%$$

Базавий кўрсаткичларнинг максимал ва минимал қийматлари ўрта арифметик қийматдан 30%дан кўп миқдорда фарқ қияпти. Демак бу қийматларни олиб ташлаб ҳисобимизни давом эттирамиз:

$(70.480 + 88.470) / 2 = 79.475$ Ушбу сонни 80.000 гача яхлитлаймиз. Бизнинг ҳолатимизда муҳимлилик даражаси 80.000 минг сўмга тенг.

5.11.2 – жадвал

“Сут-қаймоқ” ОАЖни муҳимлилик даражаси кўрсаткичларининг баланс активи структурасига пропорционал равишда тақсимланиши

Баланс активининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштира улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4
Асосий воситалар	8.717.000	78	62.400
Номоддий активлар	0	0	0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	3.470	0,03	24
Узоқ муддатли инвестициялар	49.900	0,44	352
Товар моддий захиралар	353.470	3,2	2.560
Дебиторлик қарзлар	1.052.000	9,4	7.520
Пул маблағлари	169.700	1,5	1.200
Баланс валютаси:	11.164.470	100	80.000

5.11.3 – жадвал

“Сут-қаймоқ” ОАЖни муҳимлилик даражаси кўрсаткичларининг баланс пассиви структурасига пропорционал равишда тақсимланиши

Баланс пассивининг моддалари	Сумма, минг сўм	Солиштира улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4
Устав капитали	122.400	1	800
Қўшимча капитал	0	0	0
Резерв капитали	480.000	4,3	3.440
Максадли тушумлар	30.600	0,27	216
Узоқ муддатли мажбуриятлар	4.828.770	43,25	34.600
Жорий мажбуриятлар	5.825.500	52,2	41.760
Баланс валютаси	11.164.470	100	80.000

Муҳимлилик даражаси кўрсаткичини танлаб олинган счетларнинг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимлаймиз ва натижасини 5.11.4 ва 5.11.5 – сонли жадвалларда акс эттирамиз.

5.11.4 – жадвал

Муҳимлилик даражасининг ягона кўрсаткичини баланс активи моддаларининг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимланиши

Баланс активи моддаси	Счет коди	Дт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм	Кт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
	0100	7.628.800	42,9	34.320	206.800	1,1	880
	0200	0	0	0	213.000	1,15	920
	0610	4.700	0,03	24	0	0	0
	0800	48.000	0,03	24	7.628.800	41,1	32.880
	1000	552.000	3	2.400	542.000	2,9	2.320
	2500	680.000	3,8	3.040	1.050.430	5,6	4.480
	4000	2.380.000	13,4	10.720	2.411.000	13	10.400
	4400	260.000	1,46	1.168	308.000	1,7	1.360
	5000	1.620.000	9	7.200	1.636.800	8,8	7.040
	5100	2.900.500	16,3	13.040	2.867.500	15,4	12.320
	5200	445.000	2,5	2.000	450.400	2,4	1.920
	5700	1.260.000	7	5.600	1.233.502	6,6	5.280
ЖАМИ:		17.779.000	100	80.000	18.548.232	100	80.000

Муҳимлилик даражасининг ягона кўрсаткичини баланс пассиви моддаларининг дебет ва кредит айланмалари орасида тақсимланиши

Баланс пассиви моддаси	Счет коди	Дт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм	Кт бўйича оборот, минг сўм	Умумий айланмадаги улуши, %	Муҳимлилик даражаси (чегараси), минг сўм
1	2	3	4	5	6	7	8
	6000	2.870.000	16,1	12.880	3.960.000	23,3	18.640
	6250	80.400	0,45	360	82.800	0,48	384
	6400	1.220.800	6,9	5.520	1.215.800	7,1	5.680
	6520	157.000	0,9	720	178.100	1	800
	6700	235.000	1,3	1.040	258.800	1,5	1.200
	6900	2.600.000	14,6	11.680	1.175.000	6,9	5.520
	7810	230.000	1,3	1.040	508.770	3	2.400
	8300	0	0	0	0	0	0
	8400	160.300	0,9	720	0	0	0
	8500	0	0	0	166.598	0,98	784
	8700	481.000	2,7	2.160	100.200	0,58	464
	8800	0	0	0	0	0	0
	9000	4.080.000	23	18.400	4.080.000	24	19.200
	9300	1.450.000	8,1	6.480	1.450.000	8,5	6.800
	9400	2.040.000	11,5	9.200	2.040.000	12	9.600
	9900	2.150.000	12	9.600	1.769.200	10,4	8.320
ЖАМИ:		17.754.500	100	80.000	16.985.268	100	80.000

**6 – МАВЗУ: ИЧКИ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ ВА УНИ БАҲОЛАШ
УСЛУБЛАРИ**

Тест рақами	Тест жавоби
1	А
2	В
3	Б
4	А
5	А
6	А

**7 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АУДИТОРЛИК
ТАДБИРЛАРИ**

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	В	9	А
2	А	10	А
3	В	11	Б
4	А	12	В
5	А, Б	13	А
6	Г	14	А
7	Б	15	А
8	Б		

ВАЗИЯТЛИ МАСАЛАЛАР

7.1 - Масала

Келтирилган далиллар сирасидан энг ишончлиси дея 1-далилни тан олиш зарур. Лекин у етарли эмас. Шунинг учун 1-далил 2- ва 3-далиллар билан тасдиқланиши керак. 3-далил энг кам ишонч кучига эга.

7.2 - Масала

Далиллар ишончлилик даражасига қараб қуйидагича бўлинади: 2, 1, 4, 3.

7.3 - Масала

1) Ходимни ўқитиш харажатларини тўғри ҳисобланганини тасдиқловчи далил бўлиб ушбу хизмат турини кўрсатиш бўйича шартнома, счёто-фактура, бажарилган ишлар далолатномаси ва банк ёзуви хизмат қилади.

2) Ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси.

7.4 - Масала

Далиллар аҳамиятли экани жиҳатидан қуйидагича бўлинади: 1, 3, 2.

7.5 - Масала

1) Табиий йўқотишлар меъёрини асосланганини текшириш;

2) Омбор ҳисоби карточкалари тўғри юритилганини текшириш;

3) 2800-“Тайёр маҳсулот” счёти бўйича айланмани ва сальдони текшириш.

7.6 - Масала

1 тадбир.

7.7 - Масала

3, 1 ва 2 тадбирлар.

7.8 - Масала

Қуйидаги кўринишдаги аудиторнинг ишчи ҳужжатини ишлатиш тавсия этилади:

Ишчи ҳужжат “Материаллар бўйича ҳисоботни таққослаш”

Материал номи	Ўлчов бирлиги	Ҳисобот бўйича		Бухгалтерия ҳисоби бўйича		Амалда борлиги		Фарқи		Тавсия
		сони	сумма, сўм	сони	сумма, сўм	сони	сумма, сўм	сони	сумма, сўм	
ЖАМИ:										

7.9 - Масала

Қуйидаги кўринишдаги аудиторнинг ишчи ҳужжатини ишлатиш тавсия этилади:

Ишчи ҳужжат “Бирламчи ҳужжатларни тайёрлашни текшириш”

Аниқланган камчилик номи	Қаерда хатога йўл қўйилган, унинг асоратлари	Камчиликни бартараф этиш бўйича тавсиялар

7.10 - Масала

Қуйидаги кўринишдаги аудиторнинг ишчи ҳужжатини ишлатиш тавсия этилади:

Ишчи ҳужжат “Банк кўчирмаларини уларга илова этилган ҳужжатларга тўғри келишини текшириш”

Банк кўчирмасини санаси	Кўчирманинг №	Сумма, кўчирма бўйича, сўм	Ҳужжат №	Сумма, ҳужжат бўйича, сўм	Аниқланган тафовут, сўм
ЖАМИ:					

7.11 - Масала

Қуйидаги кўринишдаги аудиторнинг ишчи ҳужжатини ишлатиш тавсия этилади:

Ишчи ҳужжат “Номоддий активлар бўйича амортизация чегирмаларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш”

№	Объект номи	Бошланғич қиймат, сўм	Текширув даврида ҳисобланди		Эксплуатация даври, ой	Бошланғич қиймат, текшириш бўйича, сўм	Ҳисоблаш керак			Фарқ
			қўлланилган амортизация меъёри, %	хар ойдаги сумма, сўм			қўлланилган амортизация меъёри, %	хар ойдаги сумма, сўм		
									йил	

8 – МАВЗУ: АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ ВА ХУЛОСАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Тест рақами	Тест жавоби	Тест рақами	Тест жавоби
1	Б	5	А
2	Г	6	В
3	В	7	Б
4	А	8	В

ИЛОВАЛАР

1- сонли ИЛОВА

Хўжалик субъектининг расмий номи: _____

Масъул шахснинг исми, шарифи ва отасининг исми: _____

Хатни тартиб рақами №: _____

Хатни имзоланиш санаси: _____

АУДИТНИ ЎТКАЗИШ УЧУН РОЗИЛИК ТЎҒРИСИДАГИ МАЖБУРИЯТ ХАТИ

Ҳурматли _____!

Ушбу хат билан _____ (корхона номи) бухгалтерлик ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисидаги Сизнинг таклифингизни қабул қилганимизни расман тасдиқлаймиз.

Амалдаги аудит меъёр ва андозаларига мувофиқ корхонанинг _____ даврга тегишли бухгалтерлик баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи, балансга иловалар, бухгалтерлик ҳисоботи регистрлари ва бошланғич ҳужжатлари текширилади.

Аудиторлик текширувини биз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда ўтказамиз.

Аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад корхонанинг йиллик бухгалтерлик ҳисоботини мавжуд барча жиҳатлари бўйича ишончли экани тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикрини баён қилишдир. Ўз хулосаларимизни асослаш учун биз ҳисоб ахборотининг етарли ва ишончли экани, ички назорат ахволини текшириш учун бир қатор синов ва тадбирлар ўтказамиз ва бу ишларни амалга оширишда Сизнинг ташкилотингиз ходимларининг ёрдамини олишга умид қиламиз.

Аудит қилиниши керак бўлган ҳужжатларнинг ҳажми катта бўлгани, синовларнинг танлаб ўтказилиши ва аудитга хос баъзи бир чекланишлар сабабли баъзи бир хато ва ноаниқликлар аниқланмай қолиш таваккалчилиги мавжуд. Биз ушбу таваккалчиликни мумкин қадар камайтириш учун ҳамма ишни қиламиз, лекин хулосаларнинг ўта аниқ бўлишини кафолатлай олмаймиз. Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботда топилган белгиланган тартибдан четга чиқишлар, шунингдек, бухгалтерлик ҳисоботида атайлаб йўл қўйилган чалкашликлар тўғрисида бизнинг ёзма ҳисоботимиз орқали хабардор бўласиз.

Биз кўрсатилган хизматларимиз юзасидан “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунда, амалдаги қонунчиликда ва аудит ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда масъулдирмиз. Биз корхонанинг тижорат сирларини ошкор қилмаслик юзасидан зиммамизга мажбурият оламиз.

_____ (корхона номи) ижроия органи бухгалтерлик ҳисоботини тузиш, шу жумладан, ҳисобнинг бошланғич маълумотларининг тегишлича акс этиши, бухгалтерлик ва ички назорат ёзувларининг мос келишини таъминлаш, ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллашда масъул эканликларини эслатиб ўтамиз. Биз _____ (корхона номи) раҳбариятидан аудит учун тақдим этилган ахборот тўла ва ишончли эканини ёзма равишда тасдиқлашларини сўраймиз.

Ходимларингиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш ва буйруғингизга кўра бухгалтерлик ҳужжатлари, компьютер маълумотлари базаси ҳамда тўлақонли аудиторлик текшируви учун лозим бўлган ҳар қандай ахборот тақдим этилишига умид қиламиз. Шунингдек, дебиторлар ва кредиторлар номига хат жўнатилиб, биз кўрсатган рўйхат бўйича қарзлари бор эканини тасдиқлашлари (тасдиқламаслари) тўғрисида билдириш олишда Сиздан амалий ёрдам кутамиз.

Сизнинг бухгалтерлик ҳисоботингизни ишончилилик даражаси тўғрисидаги фикримизни ўзгартириш мақсадида бизнинг ходимларимизга, қандай кўринишда бўлмасин, тазйиқ кўрсатилмаслигига ишонамиз.

Кўрсатиладиган хизматлар баҳоси аудит ўтказиш учун керак бўладиган вақтга боғлиқ бўлиб, амалда бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади. Алоҳида иш турларига ҳақ тўлаш масъулият даражаси, аудиторларнинг тажрибаси ва талаб этиладиган малакасига мувофиқ ўзгариши мумкин. Ҳисоб-китоб тартиби ва муддатлари аудит ўтказиш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Сиздан ушбу хатга илова қилинаётган хатни имзолаб қайтаришни ва аудит келишуви бўйича ўз фикрингиз ҳамда ушбу хат мазмуни юзасидан ўз эътирозларингизни, мавжуд бўлса, юборишингизни сўраймиз.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

(имзо, исми, шарифи, отасининг исми)

(сана)

Бухгалтерлик ҳисоботи ишончилиги юзасидан аудиторлик текшируви ўтказиш шартлари билан розиман.

Корхона ижроия органи раҳбари

(имзо, исми, шарифи, отасининг исми)

(сана)

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА

№ _____

Имзоланган жой _____

Сана _____

Устав асосида фаолият кўрсатувчи _____ аудиторлик ташкилоти номидан Бош Директор _____ (бундан буён “Ижрочи”) бир томондан, ва _____ асосида фаолият кўрсатувчи _____ (корхона номи) номидан Бош Директор _____ (бундан буён “Буюртмачи”) иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу Шартномани тузишди:

1. Шартнома мазмуни

1.1. Буюртмачи қуйидаги ишларни топширади, Ижрочи эса уларни бажаришни ўз зиммасига олади: _____

1.2. Ишларни бажариш муддатлари: _____

2. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Ижрочи “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, Буюртмачининг бухгалтерлик ҳисоботини аудиторлик текширувини ўтказди.

2.2. Ижрочи Ўзбекистон Республикасини меъёрий ҳужжатлари талабларидан, шунингдек, Буюртмачи билан тузилган шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда, аудиторлик текшируви шакллари ва услубларини мустақил равишда белгилайди.

2.3. Ижрочи Буюртмачининг молиявий-ҳўжалик фаолияти, пул суммалари, қимматли қоғозлари, моддий қийматлар тўғрисидаги ҳужжатларини тўла ҳажмда текширишга, аудит жараёнида юзага келган саволлар ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган қўшимча маълумотлар юзасидан тушунтиришлар олишга ҳақлидир.

2.4. Аудиторлик текширувини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотларни ёзма равишда учинчи шахслардан олиши мумкин.

2.5. Буюртмачи зарур ҳужжатларни тақдим этмаса, аудиторлик текширувини ўтказиш ёки бухгалтерлик ҳисоботи ишончли экани тўғрисида ўз фикрини баён этишдан бош тортишга ҳақли.

2.6. Аудиторлик фаолиятини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилади.

2.7. Аудиторлик текширувини малакали тарзда ўтказди, шунингдек, амалдаги қонунчиликка асосан бошқа аудиторлик хизматларини кўрсатади.

2.8. Аудиторлик текшируви жараёнида олинadиган ва тузиладиган ҳужжатларни сақланишини таъминлайди.

2.9. Ўтказилган аудит натижалари бўйича аудиторлик хулосасини тузади ва корхона раҳбариятига ўзбек (рус) тилида аудиторлик ҳисоботини топширади. Барча қиймат кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмда акс этирилади.

2.10. Корхона раҳбарига икки нусхада аудиторлик хулосаси, шунингдек, бир нусхада аудиторлик ҳисоботи топширилади.

2.11. Буюртмачининг фақат тўла ҳажмда тузилиб, имзоланган бухгалтерлик ҳисоботи расмий равишда олингандан кейингина Буюртмачига аудиторлик хулосаси берилади.

3. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочидан аудит ўтказишга тегишли қонунчилик талаблари тўғрисида, шу жумладан, аудитор чиқарган хулосалар ва эътирозлар учун асослар бўйича ахборот олиш.

3.2. Аудиторлик ташкилотининг ҳуқуқий мақомини текшириш учун Ижрочига аудиторлик фаолияти юритиш учун лицензия берган давлат органига тегишли ариза билан мурожаат қилиш.

3.3. Аудиторлик текшируви ўз вақтида ва тўла ўтказилиши учун Ижрочига барча шaroитларни яратиб бериш, текшириш учун зарур бўлган ҳамма ҳужжатларни тақдим этиш, Ижрочи талабига кўра оғзаки ва ёзма кўринишда тушунтиришлар бериш.

3.4. Бухгалтерлик ҳисоби юритиш ҳамда бухгалтерлик ҳисоботи тузишда йўл қўйилган ва аудиторлик текширувида аниқланган хатоларни зудлик билан тузатиш.

4. Аудиторлик хизматлари баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

4.1. Аудиторлик хизматлари баҳоси томонлар келишуви билан белгиланган нарх бўйича аниқланади.

4.2. Аудиторлик хизматлари баҳоси ушбу шартнома бўйича _____ ни, ҚҚС сиз, ташкил қилади.

4.3. Ишга ҳақ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади: Буюртмачи бажариладиган иш баҳосининг _____ % ни ушбу шартнома имзоланган кундан сўнг беш иш куни ичида Ижрочи ҳисоб рақамига ўтказиши. Бажарилган иш баҳосининг қолган _____ % қабул-топширув далолатномаси имзолангандан кейин беш иш куни ичида Ижрочи ҳисоб рақамига ўтказилади. Кечиккан ҳар бир кун учун Буюртмачи Ижрочига тўлов суммасининг _____ % миқдорида, лекин тўланмаган сумманинг 20% катта бўлмаган суммада, жарима тўлайди.

5. Томонларнинг масъулияти, баҳсларни ҳал этиш тартиби

5.1. Томонларнинг ҳар бири ушбу шартнома талабларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажариши, шунингдек, бошқа томонга ўз мажбуриятларини бажариши учун имкон борича кўмак кўрсатиши зарур.

5.2. Ушбу шартномани бажариш, шунингдек, шартноманинг бузилиши ёки бекор қилиниши билан боғлиқ равишда юзага келадиган барча баҳслар, тушунмовчиликлар, зиддиятлар томонларнинг ўзаро келишувида ҳал бўлмаса, тегишли хўжалик судида кўриб чиқилади.

5.3. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги юзасидан Буюртмачи ва Ижрочи амалдаги қонунчилик ва ушбу шартнома шартларига мувофиқ мулкӣ жавобгар ҳисобланадилар.

6. Махфийлик

6.1. Ошкор этилмайдиган ахборот ҳажми Буюртмачи томонидан белгиланади ва Ижрочи билан шартномага алоҳида иловада акс эттирилади.

6.2. Томонлар ушбу шартномани бажариш чоғида олинган ахборот махфийлигини сақлаш мажбуриятини оладилар.

7. Якуний қоидалар

7.1. Ушбу шартномага барча қўшимчалар ва ўзгартиришлар ёзма равишда амалга оширилганда ҳамда ваколатли шахслар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада имзоланиб, томонларга бир нусхадан берилди. Келишув амалга оширилган манзил: _____ .

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва томонларнинг юридик манзиллари

8.1. Шартноманинг амал қилиш муддати: _____

8.2. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари:

Ижрочи

Буюртмачи

АУДИТНИНГ УМУМИЙ РЕЖАСИ

Текширилувчи ташкилот: _____

Аудит даври: _____

Одам-соатлар сони: _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: _____

Аудиторлик гуруҳи таркиби: _____

Режалаштирилган аудиторлик таваккали: _____

Режалаштирилган муҳимлилик даражаси: _____

№	Режалаштирилган ишлар номи	Текширув даври (соат)	Бажарувчи	Изоҳ

Аудиторлик ташкилотининг раҳбари: Комилов С.Т. _____

Аудиторлик гуруҳи раҳбари: Аҳмедов А.Б. _____

Хайдаров Равшан Мирзакалонович Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар
палатаси кенгаш раиси
Файзиев Шахобидин Нуруддинович ТМИ Аудит кафедраси муdiri и.ф.н.,
доцент

Амалий аудит (Амалий машғулот учун услубий қўлланма). -Т.: ТМИ, 2009.
64 бет.

Мухаррир: Э.Бозоров

Босишга рухсат этилди:
Адади:
Шартли босма табоғи:
Буюртма № _____

**Тошкент Молия институти босмахонасида «RISO» нусха кўпайтириш
қурилмасида чоп этилди.**

700084, Тошкент шаҳри, Х.Асомов кўчаси, 7-уй.

